Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 7-APREL, PAYSHANBA. **14 (646)-SON**

e-mail: **xxi_asr@umail.uz,** web sayt: **www.21asr.uz**

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА
Тадбирлар таъсирчанлиги — ютуқлар мезони 3

ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА
Ишбилармон сафдошимиз маслаҳати ва далдаси 5

СПОРТ
Баҳодирларимизнинг Олимпиада йўлланмалари 8



# Партиявий лойиҳалар электорат манфаатларига хизмат қилмоқда

O`zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН «КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ШАКЛИ – АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ҲАМДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА» МАВЗУИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси вакиллари, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этган мазкур мулоқот давомида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш, оилавий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш орқали ишбилармон опа-сингиллар сафини кенгайтириш каби масалалар муҳокамаси қизғин бўлди. Шунингдек, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» партиявий лойиҳасининг 2012-2015 йиллардаги натижалари ҳам атрофлича сарҳисоб қилинди.**











Солиҳ ЗОИР олган суратлар

– Бозор муносабатлари шароитида оилалар мустаҳкамлиги унинг иқтисодий барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас, – деди **O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова.** – Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этишига эришишга қаратилган тарғибот тадбирларимизнинг барчасида хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш ғоялари илгари сурилмоқда. Қувонарлиси, ана шундай ташаббусга жойлардаги опа-сингилларимиз «лаббай» деб жавоб беришмоқда.

Мамлакатимизда аёлларни улуғлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини муҳофазалаш ва жамиятдаги нуфузини ошириш борасида қабул қилинган ҳужжатлар айни пайтда хотин-қизларнинг иқтидор ва имкониятларини намоён этишда ҳам ўзига хос аҳамият касб этаётир. Буни охирги ўн йилда кичик бизнес соҳасида хусусий корхоналарга раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар сони 1,6 баробар ошганида яққол кўриш мумкин.

4→

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Маҳалла сайлови — масъулиятли синов

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИ АСРЛАР ОША ЯШАБ КЕЛАЁТГАН МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИ БУГУНГИ КУНДА ЯНАДА ОРТИБ БОРМОҚДА.



**Муҳаббат ТЎХТАЕВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ушбу жараённинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.**

Айни пайтда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мақомида ўн мингга яқин маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Демак, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати май-июнь ойларида тугаши муносабати билан навбатдаги сайлов ўтказилиши Сенат Кенгашининг мазкур қарори билан белгиланди. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланиши кўзда тутилган. Бу эса ушбу жиддий тадбирга юксак даражада ҳозирлик кўрилишини исботлаб турибди.

Конституциямизнинг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллалар ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланиши белгиланган. Ушбу конституциявий қоида янги таҳрирдаги қонунда янада мукаммалроқ тарзда ифода этилди. Қонунга биноан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидир. Бу билан маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи кафолатлари ҳам қонунда акс этган бўлиб, ҳар бир фуқаро жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки сайланадиган вакили орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш таъқиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органлари, шу қаторда бевосита мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигидан келиб чиқади. Бу жараёнда урф-одат ва анъаналар ҳисобга олиниши билан бир қаторда ижтимоий адолат, ошкоралик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик каби тартибларга амал қилинади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудда ҳунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2013 йилда республикамиз бўйича 5942 та маҳаллада «Маслаҳат марказлари» ташкил этилган бўлса, 2015 йилда бу рақам 7062 тага етганлиги қувонарлидир.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Фуқаролар йиғини томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижроия ҳокимияти раҳбарларининг соҳага оид масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш эса жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси фаолиятида ўз ифодасини топади.

2→

## 9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# МУМТОЗ СИЙМО, АДОЛАТПАРВАР ЗОТ

*номи, шаън-шавкати ва боқий мероси мустақиллик даврида халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкига айланди*

**Қадим Шаҳрисабз шаҳридаги буюк Соҳибқирон номи билан аталувчи гўзал хиёбонга қадам қўяр экансиз, қалбингизни ажиб бир туйғулар, ифтихор ҳислари чулғаб олади. Ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг яшил шаҳар қайта чирой очгандай. Бизга мағрур боқиб турган Амир Темур бобомиз ҳайкали пойига бир гуруҳ ёшлар гуллар қўйишиб, таъзим бажо келтиришади. Хиёбонга бутун дунёнинг ноёб дарахтлари ва гуллари кўчириб келтирилгандай гўё. Муаззам Оқсаройга ҳавасла боқаётган сайёҳларнинг кўзларидаги ҳайратни кўриб, муҳтарам Президентимизнинг азму шижоати билан улуғ бобомизнинг муборак номи, шаъну шавкати ва мероси қайта тикланиб, мустақиллик халқимизга тарихий ҳақиқат ва адолатни қайтариб берганлигига шукрона келтирасиз.**

**Дарҳақиқат, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кўҳна Кешда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 1996 йил 28 августда Шаҳрисабз шаҳри Президентимиз Фармонига асосан «Амир Темур» ордени билан тақдирланди. Ўша йил 18 октябрда шаҳарнинг қоқ марказида буюк Соҳибқирон бобомизнинг муаззам ҳайкали барпо этилди.**

7

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ўрни ҳам тобора кенгайиб бормоқда. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунларнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар ҳамда уларнинг парламентдаги фракциялари ваколатларини кенгайтириши баробарида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни ҳам кескин оширди.**

# ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**Содиқжон ТУРДИЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси раҳбари

Бугун фракциялар нафақат Қонунчилик палатаси мажлислари кун тартибини белгилаш, балки кўриладиган масалаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан ҳам ўз электорати манфаатидан келиб чиқиб, холис муносабатини билдириш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари бўйича таклифлар киритиш, ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш тўғрисидаги масалани қўйиш каби кенг ваколатларга эга.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг кучга кириши бу йўналишдаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун асос яратди, десак муболаға бўлмайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий партиялар фракциялари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини йўналтирувчи кучга айланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу йўналишлар парламент қуйи палатасидаги энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида ўз электорати манфаатини ифодалаган ҳолда фаол иштирок этиш баробарида Қонунчилик палатасида «Демократик блок»га бирлашган сиёсий партия фракцияси билан ҳамкорликда изчил ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга хизмат қиладиган кўплаб қонун лойиҳалари қабул қилинишида фаол иштирок этаётганлигини таъкидлаш жоиз. Фракция ташаббуси билан ўтган йил мобайнида Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишлари ва O`zLiDeP масъуллигидаги қўмиталарда парламент эшитувлари ўтказилди.

Фракция мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳалардаги ислоҳотларни жадаллаштириш учун зарур бўлган қонунларни Қонунчилик палатасига ўз вақтида киритиш ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратаётганига урғу бериш лозим. Хусусан, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган, Ватанимиз тараққиётининг ўрта ва узоқ муддатга

## ЖАРАЁН

мўлжалланган стратегиясини белгилашда долзарб аҳамият касб этадиган қонун лойиҳаларининг пишиқ-пухта кўриб чиқилишини таъминлаш депутатларимиз олдидаги энг долзарб масалага айланган.

O`zLiDeP фракциясининг ўтган йилги фаолияти ҳақида сўз юритар эканмиз, бу жараён Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури доирасида амалга оширилганини қайд этиш жоиз.

Мазкур дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат парламент, айни пайтда сиёсий партиялар фракциялари учун ҳам мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципини рўёбга чиқариш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасининг ўсишини таъминлаш, Ўзбекистоннинг тараққий этган демократик давлатлар сафига кириши борасида кўзланган эзгу мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни пайтда, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳалари муҳокамаси чоғида юзага келаётган партиялараро рақобат ва фракциялараро мунозараларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш йўналишидаги тарғиботга оид тадбирларимизнинг сифатини ва таъсирчанлигини янада оширишни бугунги тезкор даврнинг ўзи талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

2→

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 5 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

*) *Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2198,91 | 1 АҚШ доллари | 2882,68 | 1 Хитой юани | 445,02 | 1 Польша злотийси | 771,62 | 1 ЕВРО | 3249,58 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4099,75 | 1 Миср фунти | 324,63 | 1 Россия рубли | 42,93 | 1 СДР | 4062,07 | 10 Жанубий Корея вони | 25,09 |
| 1 Дания кронаси | 440,72 | 1 Исландия кронаси | 23,43 | 1 Украина гривнаси | 110,41 | 1 Туркия лираси | 1021,54 | 10 Япония иенаси | 258,65 |
| 1 БАА дирҳами | 784,85 | 1 Канада доллари | 2209,63 | 1 Малайзия ринггити | 743,34 | 1 Швейцария франки | 3008,43 | | |

# Тафсилот

*Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришда янги босқичга қадам қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам омил бўлиши муқаррар.*

## Ислоҳотлар муваффақиятини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш — бош мақсадимиз

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

### ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йилда 37 марта ялпи мажлис ўтказилиб, уларда жами 133 та масала муҳокама қилинганини кўришимиз мумкин. Шу вақт оралиғида парламент қуйи палатасига киритилган 60 дан зиёд қонун лойиҳаларининг 19 таси қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Бу муҳим ҳужжатларнинг ҳар бири, яъни қонун ижодкорлиги ҳақида битта таҳлилий мақола доирасида сўз юритиш имкони йўқлиги боис фракциямиз аъзоларининг қонунчиликка доир ташаббусларига алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, қайси бир депутатнинг қандай қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки қабул қилиш бўйича киритган таклифларига оид маълумотлар ҳам айни пайтда қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили O`zLiDeP фракцияси аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланган 7 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол қатнашдилар. Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини 2015 йилдаги илк ташаббус сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур ҳужжатдан кўзланган мақсад маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини амалда самарали тадбиқ қилиш ва бунда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг фаол иштирокини тақозо этиши билан эътиборга моликдир.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига киритилган тузатишларни амалга оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни депутатлик корпуси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Чунки унда Конституциямизнинг тегишли моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтиришни, Вазирлар Маҳкамасининг, умуман, ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллиги ва масъулиятини оширишни, ушбу органлар фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтиришни назарда тутувчи бир қатор нормалар мавжуд.

Навбатдаги ташаббус — «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сиёсий партияларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида сиёсий партиялар фракциялари ролини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш, Бош вазир лавозимига номзод томонидан тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракат дастурини кўриб чиқиш, Олий Мажлис палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг йиллик маърузалари ҳамда Бош вазир ҳисоботларини эшитиш, Олий Мажлис палаталарининг назорат қилиш вазифалари тартиботларини аниқлаштириш, парламент сўрови ҳамда депутат ва Сенат аъзоси сўровларини фарқлаш каби асосий қоидалар ўз аксини топди.

«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини тайёрлаган ташаббускор гуруҳ ишида ҳам фракциямиз аъзолари фаол иштирок этишди.

Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги «Демократик кучлар блоки»га бирлашган сиёсий партиялар фракцияларининг бир гуруҳ депутатлари томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди ва янги таҳрирда қабул қилинди.

### ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунда депутатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан амалдаги қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши белгиланган бўлиб, бундай тадбирлар, аввало, Қонунчилик палатасининг Дастуридан келиб чиқиб тайёрланган иш-режаларига мувофиқ ўтказилади.

Ҳисобот даврида O`zLiDeP фракцияси қонун ижодкорлиги фаолияти билан бир қаторда депутатларимиз парламент назорати йўналишида ҳам тизимли ишларни амалга оширдилар. Жумладан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари бажарилишининг ҳолати ҳақида»ги ахбороти эшитилди. Унда вазирлик томонидан ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга эътибор қаратилиб, 78 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ва 30 та идоравий меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, 395 та тадбиркорлик субъектлари фаолияти тикланишига амалий ёрдам кўрсатилиши ҳисобига 1300 та янги иш ўринлари яратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳасини такомиллаштириш бўйича фаолияти натижалари» юзасидан ахбороти эшитилди. Тадбир давомида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни реализация қилишда ортиқча техник тўсиқларни бартараф этиш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш жараёнида тадбиркорларда пайдо бўлаётган айрим муаммоли масалаларни ўз вақтида тезкор ҳал этиш муҳимлиги таъкидланди.

Парламент назорати ҳақида гап кетар экан, жорий йилнинг ўтган қисқа давридаги фаолиятимизнинг муҳим жиҳатлари хусусида фикр юритишимиз табиий. Зотан, айни шу даврда «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган қонунчилик базасини яратишдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг ижроси борасида етарли назорат тизимини йўлга қўйиш, шунинг баробарида муҳим давлат дастурларининг рўёбга чиқарилиши юзасидан ваколатли давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ҳамда жавобгарлигини оширишдан иборатдир.

Қонунда парламент назорати субъектлари ва объектлари белгилаб берилган, унинг шакллари мустаҳкамланган, парламент назорати натижалари бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тартибга солинган. Жумладан, Олий Мажлис палаталари, қуйи ва юқори палата қўмиталари (комиссиялари), сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) парламент назорати субъектлари қаторига киритилган.

Қонунда давлат бюджети ижро этилишини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини, ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш назарда тутилган. Парламент сўрови, депутат ва Сенат аъзоси сўрови, Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини ўрганиш, қабул қилинган қонунларни ижро этиш мақсадида қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилиш, парламент текшируви сингари янги, бироқ амалиётда синалган парламент назорати шакллари мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунда парламент назорати натижалари бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг, шунингдек, парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари ва давлат органлари мажбуриятларининг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Модомики, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий принципини рўёбга чиқаришни давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашда, Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришда, қонун устуворлигини, қонунийликни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари ижросини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш учун уларнинг жавобгарлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, изчил ислоҳотлар муваффақиятини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, парламент назорати институти имкониятлари ва ваколатларидан кенг фойдаланиш фракциямиз фаолиятининг бош мақсади бўлиб қолаверади.

> ХУСУСАН, МАХСУС ЛОЙИҲА АСОСИДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ҲУДУДЛАРДА **30 ДАН** ОРТИҚ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЕНГ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.
>
> МАЗКУР ЙЎНАЛИШДА ҲУДУДЛАР ВА ТУМАНЛАР МИҚЁСИДА **3200 ДАН** ОРТИҚ АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ВА УЛАРДА **4 МИНГДАН** ОРТИҚ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БИЛДИРИЛДИ, ШУЛАРДАН **650 ГА** ЯҚИНИ БЕВОСИТА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЭКАНЛИГИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

## Маҳалла сайлови — масъулиятли синов

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Зеро, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғинларидан бири сифатида фақат ўзимизгагина хос ва мос бўлган маҳалла интитутининг ҳам бевосита ривожланишида муҳим омил саналади. Демак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти негизида маҳалла институтининг ҳам ривожлантирилиши, уни оилавий тадбиркорлик марказига айлантирилиши ва яна бошқа бир қатор функцияларнинг маҳалла зиммасига юклатилиши бугунги давр талабига мосдир.

Дарҳақиқат, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда (2013 йил 22 апрель) қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу Қонунда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини ўтказиш тартиби янада такомиллаштирилиб, унда сайлов тартиботларининг ошкоралиги ва демократиялигини таъминлашга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини оширишга, фуқаролар йиғинлари раиси лавозимига номзодларнинг касбий сифатларига бўлган қўшимча талабларни белгилашга оид муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар билан бойитилди.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида аввалги таҳрирдаги Қонундан фарқли равишда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилиши ва ушбу комиссиянинг ваколатлари белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича мажлислари (сессиялари) ўтказилди, қарорлар қабул қилинди.

Қувонарли жиҳати, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришда янги босқичга қадам қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам омил бўлиши муқаррар.

Бўлажак сайловлар Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида сифат жиҳатдан янги, кучли фуқаролик жамияти қарор топаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтаётганлиги муҳимдир. Таъбир жоиз бўлса, бу – истиқлолнинг чорак асрлик қутлуғ тўйи билан бир қаторда, жорий йилдаги энг масъулиятли ижтимоий-сиёсий воқеалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, фуқаролар йиғинлари сайловини юксак савияда, муқобиллик, ошкоралик ва қонунийлик тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда, айниқса, бу муҳим сиёсий жараённинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича ҳам тизимли равишда тадбирлар ташкил этилиши ғоят муҳимдир. Ана шундай амалий анжуман ва семинарларда сенаторлар, депутатлар, олимлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари соҳага доир миллий қонунчилик, ундаги ўзгартиш ва қўшимчалар, маҳалла институтини такомиллаштириш бўйича давлат сиёсати, маҳаллалар қошидаги комиссиялар фаолияти ҳақида иштирокчиларга атрофлича маълумотлар бермоқда.

Шу маънода Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий соҳадаги устувор вазифаларида Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойили бўлган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган эзгу тамойил ўз ифодасини топган. Унинг мақсади ҳокимият ваколатларининг бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтларига босқичма-босқич ўтказишдан иборатдир. Жумладан, фуқаролик институтларининг ўрта синф мулкдорлари манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама фаоллаштириш партиямизнинг стратегик вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шубҳасиз, бундай чора-тадбирлар тегишли ҳудудда хусусий мулкни ривожлантириш, бу орқали аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани тараққий эттириш, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларни маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этиш имконини беради.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси** Регламентига мувофиқ, барча депутатлар, шу жумладан, O`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам шу йилнинг 22-31 март кунлари ўз сайловчилари билан навбатдаги учрашувларни ўтказиб қайтишди.

## Электорат ҳузурида ўн кун

Алоҳида таъкидлаш жоизки, партиямиз вакиллари бу вақт оралиғида электорат билан хусусий мулк ҳуқуқи, мулкдорлар сафини кенгайтириш, қишлоқда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш йўлидаги ислоҳотларини давом эттириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишга йўналтирилган кўплаб қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашдилар. Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашлар фаолиятидаги роли сезиларли даражада ошиб, фракциялараро соғлом рақобат юзага келгани хусусида сўз юритдилар.

— Сайловчилар билан бевосита учрашувларимиз қабул қилинган қонунларнинг жойларда қандай ишлаётгани, хўжалик юритиш амалиёти айни пайтда қандай ҳуқуқий асосларга муҳтож экани, электоратимиз дуч келаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтиргани билан долзарб аҳамият касб этди, — дейди **106-Боғот округидан сайланган депутатимиз Анварбек Матёқубов**. — Илгари бундай мулоқотларда турли шикоят ва маиший мавзудаги саволларга жавоб қайтаришга кўпроқ вақт ажратилган бўлса, энди амалдаги қонун ҳужжатларининг ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмлар ҳақида фикр алмашилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан қатъий депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг бу галги учрашувлари Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги, мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларга бағишланганини билан ҳам ниҳоятда муҳим сиёсий тадбирга айланди.

— Юзма-юз мулоқотлар одамларнинг юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси тобора ошиб бораётганини кўрсатди, — дейди **105-Урганч округидан сайланган депутатимиз Клара Жумамуратова.** — Буни электоратнинг мурожаатлари кўпайгани ва ўз таклифларини илгари сурганидан ҳам сезиш мумкин.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, барча учрашувларда тараққиётимизнинг бир неча ўн йилликларини қамраб олган Концепциянинг устувор йўналишлари ижроси нафақат парламент, балки маҳаллий кенгашлар депутатлари масъулиятини оширгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортаётгани хусусида мушоҳада юритилган.

— Партия ўз Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам унга қатъий риоя қилиниши керак, деган ғояни илгари суриб келмоқда, — дейди **72-Қумқўрғон округидан сайланган депутатимиз Муродилла Турсунов.** —Бунга урғу бераётганимизнинг боиси, сайловчилар билан учрашувларда маълум бўлганидек, ҳали ҳам айрим туманлар ва шаҳарларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнесини кенгайтиришга ёрдам бериш масалаларида инсон омили билан боғлиқ ҳолатлар учраб турганидир.

O`zLiDeP фракцияси аъзолари ўтказган учрашувларда яна бир муаммо тадбиркорлик субъектлари томонидан кун тартибига олиб чиқилди. У ҳам бўлса жойларда автомобиль йўлларининг таъмирталаблиги, ичимлик суви ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар турли маҳсулотларни қайта ишлаш ва уни истеъмолчиларга етказиш билан шуғулланаётган кичик бизнес вакиллари фаолиятига таъсир кўрсатаётганидир. Жумладан, Қумқўрғон туманидаги «Хўжамулки» ва «Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Жозибамебель» хусусий корхонасидаги учрашувларда сайловчилар юқоридаги тилга олинган соҳалар бўйича аниқ мисоллар келтиришди.

**68-Шеробод округидан сайланган депутатимиз Ҳамдамбек Расулов**нинг электорат билан учрашувларида ҳам шу йўналишдаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилди. Хусусан, «Оққўрғон», «Тароқ» ва «Галагузар» маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Аҳмадқул Ботиров» фермер хўжалиги ҳамда туман Тиббиёт бирлашмасидаги мулоқотлар янги-янги мулоҳазалар ўртага ташланганини билан ёдда қоладиган бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига **31-Зарбдор сайлов округидан депутат, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Нодирбек Раджапов** Янгиобод, Зомин ва Зарбдор туманларида сайловчилар билан учрашди.

Мазкур тадбирларда «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритилди.

**29-Жиззах сайлов округидан сайланган депутатимиз Эркин Холбўтаев** эса Жиззах тумани ва Жиззах шаҳри сайловчилари билан мулоқотда бўлди.

Самимий суҳбат тарзида ўтган учрашувларда депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги борасида олиб борилаётган ишлар, хусусан, O'zLiDeP фракцияси фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди.

Жумладан, сўнги йилларда ишбилармонлар, фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган янги меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги), «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари устида иш олиб борилаётганлиги тўғрисида гапирди.

Бўлиб ўтган учрашувларда O`zLiDeP фракцияси аъзоларига юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид кўплаб мурожаатлар келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Депутатларимиз томонидан ўз сайлов округларида ўтказилган учрашувлар маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Учрашувлар хусусида телерадиоканаллар, босма нашрлар, шунингдек, интернетдаги сайтларда материаллар бериб борилди.

**Озод РАЖАБОВ**
**тайёрлади.**

*O`zLiDePнинг **155 нафардан** иборат қашқадарёлик депутатлари олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Ўйлаймизки, улар буни теран англайдилар ва эришилаётган муваффақиятлар қаторидаги айрим камчиликларни бартараф этишга бош-қош бўладилар.*

## Депутатлик гуруҳларида

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНАЁТГАН ҲУДУДЛАРИДАН БИРИДИР. ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ УЛУШИ ЙИЛ САЙИН ОШИБ БОРАЁТГАН БИР ПАЙТДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ЯНАДА КЕНГРОҚ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШГА КЎМАКЛАШИШ, УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ ҲАМ НАЗАРИЙ, ҲАМ АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН АСОСЛАБ БЕРИШ, МУЛКДОРЛАР МАНФААТИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАШ СИЁСИЙ КУЧ СИФАТИДА O`ZLIDEPНИНГ БОШ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИДИР.**

**ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, O`ZLIDEP ВИЛОЯТДА КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА. ВОҲАДА 18 МИНГ НАФАРГА ЯҚИН САФДОШИМИЗ 830 ТА БПТГА БИРЛАШГАН ҲОЛДА ПАРТИЯВИЙ ЙЎНАЛИШДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДАЛАР.**

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ, ШУНИНГДЕК, 9 ТА ТУМАНДА ПАРТИЯМИЗ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ЕТАКЧИ МАВҚЕГА ЭГА ЭКАНЛИГИ ҲАМ ЮҚОРИДАГИ ФИКРИМИЗНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.**



# Тадбирлар таъсирчанлиги — ютуқлар мезони

### ИЗЧИЛЛИК ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

*Дилшод ТУРСУНОВ,*
*O`zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири*

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган 22 нафар, туманлар ва Қарши шаҳар Кенгашига сайланган 132 нафар депутатларимиз зиммасига O'zLiDeP электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига халақит бераётган тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга қаратилган қонунлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар ижроси бўйича таъсирчан депутатлик назоратини ташкил этиш борасида катта масъулият юкланган. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳудудларда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантиришга доир инвестиция лойиҳалари устидан изчиллик ва тизимлиликка асосланган депутатлик назоратини амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда.

Мулоҳазаларимизни аниқ далиллар орқали ифодалайдиган бўлсак, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида жами 26 та эшитув ташкил этилганини айтишимиз мумкин. Шунингдек, сессияларга 9 та таклиф тайёрланиб, биттаси кун тартибига киритилди, 3 та депутатлик назорат-таҳлил тадбирлари олиб борилаяпти. Бундан ташқари, ҳисобот даврида турли идораларнинг мансабдор шахсларига сайловчилар мурожаатлари асосида 133 та депутатлик сўрови юборилиб, кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан оммавий ахборот воситаларида 150 марта чиқиш қилинди.

Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шермат Шамсиев томонидан «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси директори Анвар Темировга сўровнома киритилгач, Шаҳрисабз туманидаги «Дўстлик», «Маърифат» маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли хонадонларига баллонли суюлтирилган газ ўз вақтида етказиб берила бошланди.

Касби туманидаги Қоратепа қишлоқ врачлик пункти туман марказига яқин бўлганлиги боис тугатилган, унинг биноси қаровсиз ҳолга келиб қолганди. Шу билан бирга қишлоқда истиқомат қилаётган отахон ва онахонлар учун зарур тиббий ёрдам олишда бироз қийинчиликлар пайдо бўлган эди. Сайловчилар мурожаатидан сўнг туман Кенгаши депутати Фахриддин Турсунов маҳаллий ҳокимликка сўровнома киритиб, мазкур бинони тўлиқ таъмирдан чиқаришни ўз зиммасига олди. Айни пайтда мазкур ҚВП қайтадан ишга туширилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Депутат Мустафхон Султонов Қарши туман архитектура бўлимига ёш тадбиркорларга ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ер ажратиш, яна бир вакилимиз Момосулув Бердиқулова эса Чироқчи тумани Агробизнес касб-ҳунар коллежига элтувчи йўлларни таъмирлаш юзасидан вилоят Автойўл бошқармасига сўровнома киритгач, мазкур масалаларни жорий йилда ижобий ҳал этишга қарор қилинди.

Депутат Маҳмадали Қулбуловнинг саъй-ҳаракатлари билан Яккабоғ туманида амалга оширилиши мўлжалланган 4 та лойиҳа ижроси қатъий назоратга олиниб, тикувчилик, ҳунармандчилик, сервис хизмати кўрсатиш йўналишларидаги тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди, 20 га яқин янги иш ўрини яратилди.

Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган 2013-2017 йиллар даврида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг Қашқадарё вилоятида бажарилиши ҳақида»ги ишлар бўйича Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ботир Раҳимовнинг ҳисоботини яқин кунларда эшитиш режалаштирилгани ҳам фаолликнинг бир кўринишидир.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғайрат Жавлиевнинг «Вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга доир лойиҳаларнинг бажарилиши» юзасидан ҳисоботи тинглангани эса назорат тадбирларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган яна бир интилишдир.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 30 та йирик, 2252 та кичик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили 8 трлн. 299 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари, 1652,3 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган. Шундан 61,4 фоизи озиқ-овқат, 38,5 фоизи эса ноозиқ-овқат маҳсулотларидир. Аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш 2014 йилда 379,3 минг сўм миқдорида бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 552,2 минг сўмни ташкил этмоқда. Хусусан, Косон ва Қарши ёғ-экстракция заводлари 146 млрд. сўмлик ёғ-мой, «Ўздонмаҳсулот» АЖ таркибидаги корхоналар томонидан 122 млрд. сўмлик ун маҳсулотлари, «COTTON ROAD» МЧЖ томонидан 10,9 млрд. сўмлик трикотаж кийим-кечаклар тайёрланган.

Ўтган йили вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан истеъмол товарлари ҳажмини янада ошириш мақсадида 39 млрд. сўмлик инвестиция эвазига 144 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 22 млрд. сўмлик сармоя ҳисобидан 113 та корхонада модернизациялаш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш ишлари бажарилди. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, корхоналарга замонавий, кам харажат талаб этадиган техника ва технологияларни ўрнатишга катта эътибор қаратилаётир. Ўтган даврда 319,5 млн. доллар ҳажмидаги хориж технологияси асосида 84 та лойиҳа ишга туширилди.

Жорий йилда эса 122 млрд. сўмлик инвестиция эвазига 142 та янги лойиҳани ишга тушириш ва 25 млрд. сўмлик сармоя ҳисобидан 26 та лойиҳа доирасида модернизация жараёнларини давом эттириш кўзда тутилган. Юқоридагиларни таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, ана шу лойиҳаларнинг ижроси қатъий назоратга олинган.

Шу маънода депутатлик гуруҳлари йиғилишларида барча бўғиндаги партия тузилмаларининг ташкилий, информацион-таҳлилий, тарғибот-ташвиқот ва амалий тадбирлари дастурларини такомиллаштириш борасида аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилаётганини қайд этиш лозим. Устувор вазифаларни бажаришда O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари ва партия аъзолари амалга оширадиган ғоявий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишлар режаси белгилаб олиниб, бор тажриба ва имкониятлар ишга солинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни модернизациялаш ва янада либераллаштириш, демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламдаги вазифаларни ўз вақтида бажариш депутатлик гуруҳлари фаолиятининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг O'zLiDeP ҳудудий ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашини таъминлаш, депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни мунтазам эшитишнинг самарали тизимини яратиш борасида бундан буён ҳам тизимлиликка асосланган фаолиятимизни изчиллик билан давом эттирамиз.

### ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

*Абдусалим МЎМИНОВ,*
*Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги энг яхши депутат» танловининг республика босқичи иккинчи ўрин соҳиби*

Берилган ваколатлардан самарали фойдаланган ҳолда партиянинг Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича юксак билим ва катта тажриба талаб этилади. Ислоҳотлар моҳиятини аҳоли онгига етказиш ҳам айнан депутатлик гуруҳлари зиммасида эканлигини унутмаслигимиз керак. Депутатларимиз сайловчилар олдидаги масъуллик ва ҳисобдорликни дилдан ҳис этган ҳолда гуруҳ ишида фаоллик кўрсатишаяпти. Илмий-амалий семинарлар ташкил этиб, гуруҳимиз аъзоларида депутатлик назоратининг барча шакл ва усулларидан фойдаланишда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Амалга оширилаётган лойиҳалар устидан назорат ўрнатиш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда партия Кенгаши билан депутатлар ҳамкор ва ҳамфикр иш юритишмоқда. Гуруҳимиз раҳбари Санжар Эргашевнинг ташаббускорлиги боис фаолиятимизни замон талаблари даражасида ташкил эта олаяпмиз, десам муболаға қилмаган бўламан.

Ўтган даврда Қарши шаҳар Кенгаши сессиясига киритилган 2 та долзарб масала, амалдаги қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан етти нафар мансабдор шахснинг ҳисоботини эшитиш, электорат манфаатлари назарда тутилган ҳолда киритилган юзга яқин сўровномалар фикримиз исботидир. Ҳар ҳафтада тўпланиб, қилинган ишлар сарҳисоби ва келгусидаги режалар ҳақида гаплашиб оламиз. Гуруҳимиз ишида фаол иштирок этмаётган депутатимизга интизомий чора қўллашни режалаштиряпмиз.

Тинимсиз изланиш бугунги кун депутатига хос фазилат бўлиши керак. Одамлар ташвиши билан яшаш, уларнинг корига яраш, аниқ мақсадларга қаратилган фаолият инсон ҳаётига унутилмас мазмун бағишлар экан. Кўп йиллардан буён вилоят Онкология диспансерида шифокорлик қилиб келаман. 21-Баҳор сайлов округидан халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланганман. Шаҳарда бошланғич партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш борасида ҳам фаолият олиб бораяпман. Сайловчилар билан мунтазам равишда учрашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиб, мақбул ечимларини топишга ҳаракат қиламан.

Қарши шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий дастурига киритилган озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича 15 та лойиҳани амалга ошириш борасидаги ишлар юзасидан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясига масала киритилиб, мазкур лойиҳалар депутатлик гуруҳимизнинг қатъий назоратига олинди.

Мен депутат этиб сайланган ҳудуддаги Янги турмуш, Оқтепа, Гунгон, Кат, Қавали маҳаллаларида 127 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган эди. Улардан 29 таси ўз фаолиятини тўхтатган экан. Ўрганиб чиққанимда бизнес учун жой, молиявий кўмак, хом ашё ва тайёр маҳсулотни реализация қилишда қатор муаммолар борлиги маълум бўлди. Ҳозирга қадар 7 та тадбиркор ўз ишини қайта йўлга қўйди. Қолганларига амалий ёрдам бериш мақсадида навбатдаги сессияга киритиш учун масала тайёрлаяпман.

Сайловчиларим Гунгон ва Кат маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳудуддаги фабрикадан чиқаётган заҳарли сувлар тўғридан-тўғри очиқ сув ҳавзасига тушиб, аҳоли саломатлигига жиддий хавф солаётгани, сизот сувлари кўпайиб, ертўлаларни сув босаётгани хусусида мурожаат қилди. Фабрика раҳбарияти ва шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўрови билан чиққанимдан сўнг заҳарли сувлар канализация тармоғига туширилди, маҳаллий бюджетдан 100 млн. сўм маблағ ажратилиб, дренаж қазилди, катта насос ўрнатилди, сизот сувлари йўқотилди.

Хонобод маҳалласи ҳудудидаги 7,2 километрлик йўлни асфальтлашни шаҳарнинг бу йилги режасига киритишга муваффақ бўлдим. Саъй-ҳаракатларим билан шаҳримизда ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда ички йўлларни таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 284 млн. сўм маблағ ажратилди.

O`zLiDeP Қарши шаҳар ва вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган 100 дан ортиқ тадбирларда қатнашиб, 80 тасида ўз маърузам билан қатнашдим. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни янада замонавийлаштириш, оналик ва болалик ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, одамлардаги интеллектуал қобилиятни ишга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали фаровонликни таъминлаш, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари моҳиятини халқимизга етказиш борасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораяпман.

Амалий ишларнинг кучайтирилиши одамларда партияга ва унинг депутатларига ишончини орттириб, мазкур сиёсий куч ғояси атрофида бирлашишга даъват этиши тажрибадан маълум. Шунинг учун ҳам тез-тез депутатлик гуруҳи йиғилишини ўтказиб, унда шаҳар аҳолисини қийнаб келаётган долзарб масалаларнинг мақбул ечимларини топиш борасида изланаяпмиз. Мақсадимиз – O`zLiDeP дастурий вазифаларини рўёбга чиқариш асносида халқимиз фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишдир.

Биз депутатларнинг энг биринчи вазифамиз партиямизнинг Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишда фаоллик кўрсатишдан иборат, деб биламан.

Мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, шубҳасиз, барча ижтимоий-маиший муаммоларнинг ечимида бош мезондир. Шундай экан, биз O`zLiDeP депутатлари партия ғояларини илгари суришда фаолроқ бўлишимиз талаб этилади. Бунда заиф бўғин бўлмаслиги керак. Зеро, бундай бўғиндан воз кечишни шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

### ЮТУҚЛАР САЛМОҚЛИ, БИРОҚ...

Бунга халқ депутатлари Деҳқонобод тумани Кенгашидаги депутатлар фаолияти, аниқроғи фаолиятсизлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳудудда партиявий иш сустлашиб қолганлиги туфайли Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси жиддий чоралар кўришига тўғри келди. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида бутун партиявий иш танқидий таҳлил этилиб, ташкилий масалалар кўрилди.

Деҳқонободлик партиядошларимиз ва депутатларга O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича амалий тавсиялар берилиб, услубий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Туманнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, кўпчиликни ўйлантираётган муаммоларга ечими топиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аввалига иш ижобий тарафга силжигандек кўринган бўлса-да, бироқ Деҳқонободда депутатлик гуруҳи фаолияти ҳамон талаб даражасида бўлмаяпти. Қамаши, Яккабоғ, Чироқчи туманларида ҳам ишлар қониқарли, деб айта олмаймиз.

Бинобарин, бу туманларда O`zLiDeP барча бўғинлари ва депутатлик корпусининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши, яъни муҳим партиявий ишларни ҳал этишда БПТ, туман ва вилоят Кенгаши депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларининг ўзаро ҳамкорликда «қуйидан – юқорига» тамойили асосида фаолият юритиш ғоятда муҳимдир.

Депутатлик назоратини ташкил этишда, энг аввало, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ижросига асосий эътибор қаратилиши лозим.

O`zLiDeP ўз электорати манфаатларининг устуворлигига эътибор қаратиб, уларни моддий неъмат яратиш борасидаги фаолиятини қатъий тарзда қўллаб-қувватламоқда. 2015 йилда ҳудудларда озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, қайта ишлаш тармоғини кенгайтириш инвестиция лойиҳалари ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар ижроси юзасидан 2101 нафар депутатнинг назорат ишлари жойларда кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олганлигидан хабарингиз бор, албатта.

Бироқ, чорвачиликни янада ривожлантириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича катта имкониятларга эга бўлган Деҳқонобод туманида ҳамон эскичасига иш тутилиб, одамларнинг «бизга бўлаверади» деган тушунчадан халос бўлишлари қийин кечмоқда.

Туманда етиштириладиган сархил ва такрорланмас лаззатга эга бўлган мевалар жуда арзонга сотилмоқда. Шундай экан, мавжуд масалаларни ечишнинг энг мақбул йўлларини таклиф этиш, уни амалга оширишга бош-қош бўлиш, маҳаллий тадбиркорларни ўз фаолиятларини янада кенгайтириб, бозорга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш борасида мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлардан хабардор этиш, бир сўз билан айтганда, пулни ақл билан ишлатишга ўрганиш, энг аввало, O`zLiDeP фаоллари ва депутатларининг энг муҳим вазифаси эмасми?

Бугунги кунда O`zLiDeP депутати ёки унинг фаоли бўлган ҳар бир фуқаро жойларда кечаётган жараёнларни чуқурроқ кузатиши ва узоқроқни кўриши керак. Шундан кейингина халқ унга ишонади ва ортидан эргашади. Ана шундагина O`zLiDePнинг Сайловолди платформасидаги вазифалар муваффақиятли амалга ошади ҳамда белгилаб олинган режалар самарали якун топади. Партия электорати манфаатларини янада тўлароқ ва ёрқинроқ ифодалаш, бир сўз билан айтганда, умумий партиявий фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, O`zLiDePнинг 155 нафардан иборат қашқадарёлик депутатлари олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Ўйлаймизки, улар буни теран англайдилар ва эришилаётган муваффақиятлар қаторидаги айрим камчиликларни бартараф этишга бош-қош бўладилар.

O`zLiDePда шакллантирилаётган партия ҳаётига доир масаладан тортиб, то қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишгача бўлган барча жараёнларда БПТлардан то Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясигача бўлган партиявий органлар ва депутатларнинг амалий ҳамкорлик тизими Қашқадарё вилоятида ҳам, шубҳасиз, партиявий иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

***Саҳифа материалларини «XXI asr» мухбири Сайфулла ИКРОМОВ тайёрлади.***

# Партиявий лойиҳалар электорат манфаатларига хизмат қилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Тадбирда таъкидланганидек, «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» партиявий лойиҳаси асосида 2012-2015 йиллар давомида ташкил этилган ўқув-семинарларда қатнашган 1248 нафар хотин-қизга партия кўмагида тижорат банклари томонидан 20 млрд. сўмга яқин кредит ажратилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур лойиҳада қатнашганларга 11 млрд. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилиши натижасида 1,5 мингга яқин қўшимча иш ўринлари очилган.



– Хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоялаш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган қонунлар, жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда)», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлар хусусий секторни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ходжаева. – Агар ўтган йили мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 1 трлн. 255 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилги давлат дастурида бу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилган.

– Мамнуният билан айтиш лозимки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратиляпти. Мен ҳам ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим, – дейди навоийлик тадбиркор Зебо Рустамова. – Фаолиятимни янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратишда O`zLiDePнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. 2015 йилда «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳасида қатнашиб, тижорат банкидан 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит олган эдим. Дастлаб 4 нафар ходим билан миллий каштачилик йўналиши бўйича иш бошлаган бўлсам, ҳозир уларнинг сони 9 нафарга етди. Атлас, адрас ва ипак матоларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехни ишга туширдик.

Тадбир иштирокчилари, шунингдек, жорий йилда ҳам «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳасини хотин-қизлар орасида кенгроқ тарғиб этиш, унинг ҳудудий босқичларида минглаб тадбиркор, фермер, ҳунарманд аёллар иштирокини таъминлаш, ўз бизнесини бошламоқчи ёки тадбиркорлик фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган энг фаол иштирокчиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишида яқиндан кўмаклашишга келишиб олди.

***Давра суҳбати давомида бир қатор тадбиркор аёллар ўзларининг илғор тажрибалари, вақтлар синовидан ўтган иш услублари ва улар асосида эришаётган ютуқлари хусусида гапириб беришди.***



**Зуҳра ҚАЛАНДАРОВА,**
«Мунира-Манзура» хусусий фирмаси раҳбари (Қорақалпоғистон Республикаси):

– Йигирма беш йил олдин «катта тадбиркор бўласан», дейишса, бу гапга асло ишонмасдим. Негаки, илгари бундай орзу қилиш, тадбиркорлик фаолиятини тасаввурга сиғдириш қийин эди. Мустақиллик халқимиз учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очди. Эндигина иш бошлаганимда қийинчиликларга дуч келганимни ҳам яширмайман. Мана, энди ҳаммаси ортда қолди. Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва эҳтиром натижасида ишбилармон аёлга айландим. Маҳалламизда элдошларимга беминнат хизмат кўрсатаётган тўйхонамизда мустақил ҳаёт остонасига умид билан қадам қўяётган келин-куёвларга бахт-иқбол тилаймиз. Қандолатчилик дўконимда ҳам харидорлар гавжум. Хуллас, изланишларим, ҳаракатларим бесамар кетмаяпти. Топган даромадни фарзандларим каму-кўстига, тўйларга сарфлаяпмиз. Корхонамда 12 нафар кишининг бандлиги таъминланган. Фаолиятни янада кенгайтириб, 20 нафар коллеж битирувчисини ишга олмоқчиман.



**Нодира РАЖАБОВА,**
«Жаҳонгир-Муҳриддин» фермер хўжалиги ва «Нодира-Муҳриддин» МЧЖ раҳбари (Бухоро вилояти):

– Мустақиллик йилларида тадбиркорларга яратилаётган қулай шарт-шароит менинг ишбилармон аёл сифатида фаолият кўрсатишимга туртки бўлди. O`zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳасида уч марта ғолиб чиқиб, имтиёзли кредитлар олишга муяссар бўлдим.

Пахта ва ғалла режасини ортиғи билан бажариш баробарида чорвачиликни ҳам ривожлантираяпмиз. 30 та қорамолимни ҳозирги кунда 90 тага етказдим. Шунингдек, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида «Ботир Жаҳонгир транс» МЧЖ томонидан икки йўналишда транспорт хизмати қўйилди.

Турли муассасаларга шартнома асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бераяпмиз. Фаолиятимизни янада кучайтириш учун барча шароитлар муҳайё. Ҳар йили ҳудудларда ташкил этилаётган саноат ярмаркаларида янги-янги ҳамкорлар билан иш олиб бораяпмиз.



**Мавлуда ЮЛДОШЕВА,**
«Лола-Жаҳон маликаси» хусусий корхонаси раҳбари (Қашқадарё вилояти):

– Турли қийинчилик, муаммоларни енгиб ўта олган инсонгина катта-катта муваффақиятларни қўлга киритиши исботланган ҳақиқат. Лекин ҳозир фирмамни ташкил этган кезларда қандай машаққатларга дуч келганлигимни гапирмоқчи эмасман. Аксинча, бугунги кунда жамоамизда 75 дан зиёд хотин-қиз доимий иш билан таъминланганини айтмоқчиман. Уларнинг меҳнатсеварлиги, ўз касбига масъулият билан ёндашаётганини кўриб, кўнглим тоғдай кўтарилади. Зеро, тикувчиликнинг ҳам бошқалар билмайдиган сиру синоатлари оз эмас.

Юртимизда кичик бизнес борасида мустақил фаолият юритишга бел боғлаган инсонлар учун барча имтиёз ва шарт-шароитлар яратилган. Ўзимдан қиёс. Банкдан бир неча бор кредит олиб, корхонани қайта жиҳозлашга, қўшимча иш ўринлари очишга муваффақ бўлдим. Ўтган йили 4000 дан ошиқ кўрпа-ёстиқ, эркаклар ва болалар кийимлари ишлаб чиқарилди. Соф фойда 50-60 млн. сўмни ташкил этди. Жорий йилда эса бу кўрсаткичларни янада кўпайтириб, тикувчилик цехимда икки сменали иш ташкил этмоқчиман. Мухтасар айтганда, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун барчамиз масъул эканлигимизни ҳеч қачон унутмайлик.

**Нодира Гадоева,**
**«Ибрат Кафолат Барака Савдо» хусусий корхонаси раҳбари (Қашқадарё вилояти):**

– Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити аёлларнинг бизнес соҳасида ҳам каттадан-катта ютуқларни қўлга киритишига сабаб бўлаётганига барчамиз гувоҳмиз. Масалан, мен айни пайтда учта дўконни бошқараяпман. Қолаверса, ўтган йили O'zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида ўз бизнес-режам билан иштирок этиб, Миллий банкдан 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит олгандим. Корхонам негизида ташкил этган тикувчилик цехини кенгайтириш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Аҳолига ҳам сифатли, ҳам ҳамёнбоп маҳсулотлар етказиб бериш ниятидамиз.



**Шаҳноза КИМЁНАЗАРОВА,**
«Шаҳноз савдо-сервис» хусусий корхонаси раҳбари (Наманган вилояти):

– Ёшлигимда қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашни яхши кўрардим. 2013 йилда турли хилдаги ширинликлар пишириб, маҳаллий бозорга чиқара бошладим. 2015 йилда O`zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳасида ғолиб бўлиб, Миллий банкдан 50 млн.сўм кредит олдим ва ўз бизнесимни бошладим. Натижада 8 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Жорий йилда 14 та дўконга шартнома асосида маҳсулот етказиб беришни режалаштиряпмиз. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, турфа тортлар сотиладиган дўкон очиш ниятидамиз.

**Шаҳноза Ражабова,**
**«Librodoors» МЧЖ раҳбари (Хоразм вилояти):**

– Асосий ишимиз темир эшик, дераза, пульт билан масофадан бошқариладиган дарвозалар ишлаб чиқаришдан иборат. Айни пайтда 16 та корхона билан шартнома имзоладик. Ўтган йили «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида иштирок этиб, ғолиб бўлган эдим. Миллий банкнинг туман филиалидан олган 300 млн. сўмлик маблағга компьютерлаштирилган техникалар сотиб олдик. Бугунги кунда масофадан бошқариладиган дарвозаларга талаб ошиб бораяпти. Шу боисдан уларнинг сифатли чиқиши, харидорга маъқул келиши учун 4 нафар киши астойдил ишлаётир. Мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор туфайли тадбиркор бўлганимдан хурсандман. Олдинда эса ҳали яна бир дунё мақсад-орзуларим бор.

**Дилноза НОМОЗОВА,**
**Наргиза ҚАҲХОРОВА,**
**Солиҳ ЗОИР(суратлар)**
**«XXI asr» мухбирлари.**



Янгилик ва ахборотлар билан газетамиз сайтида ҳам танишинг:
**www.21asr.uz**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси депутатлари, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, тадбиркор ва фермерлар иштирокида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ҳимоя қилишда партия депутатлик гуруҳлари олдидаги устувор вазифалар» мавзуида амалий семинар ўтказилди.**

# Долзарб мавзуда амалий семинар

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
«XXI asr» мухбири

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев ушбу мулоқотни кириш сўзи билан очар экан, партия фаолларининг Тошкент вилоятида амалга оширган ишларига қисқача тўхталиб, жорий аҳволга танқидий-таҳлилий нуқтаи-назардан баҳо берди. Жумладан, вилоятдаги хусусий сектор вакилларини партия сафига кенг жалб қилиш, тадбиркорлик субъектларидаги БПТларнинг сифати ва салмоғини ошириш борасида сўз юритилди.**

Маълумки, O`zLiDeP тузилмалари ва депутатлик бирлашмалари олдига амалдаги қонунчилик, давлат дастурлари, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш учун депутатлик эшитувларини ташкил этиш ҳамда партия воситалари орқали уларни ўз вақтида ҳал қилишни таъминлаш каби вазифалар қўйилган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда партия депутатлик гуруҳлари аъзолари ўз фаолиятини доимо такомиллаштириб боришлари лозим. Хўш, бу борада Тошкент вилоятида аҳвол қандай? Партиямиз вакиллари вилоят аҳли, хусусан, электорат қалбига йўл топа олишаяптими? Семинарда ана шу саволлар атрофида сўз юритилди.

Маълум бўлишича, ўтган йил давомида Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилган. Йиғилишда қайд этилганидек, ўтган вақт давомида маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан тегишли ташкилот ва муттасадди раҳбарларга 290 та депутатлик сўрови юборилган. Депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 78 та мансабдор шахс ҳисоботи эшитилиб, 37 та назорат-таҳлил фаолияти олиб борилган. Қолаверса, маҳаллий Кенгашлар сессияларига 40 га яқин масала киритилган. Бу сўровлар, мурожаатларнинг мазмуни партия электорати бўлган тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига дахлдордир. Ушбу рақамлар **O`zLiDeP** Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш — кучли депутатлик назоратини шакллантириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф қилиш, умуман, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга доир фаолиятини кучайтираётганидан далолат беради.

Семинарда, шунингдек, партия органлари ва Халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини фаоллаштириш, депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисобот бериб туришлари, улар билан мунтазам учрашувлар ўтказишларини таъминлаш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда вилоятда аграр соҳани ривожлантириш, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш натижасида ҳудудда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга эришилаётгани таъкидланди.

— Ҳозирда вилоятимизда 9418 та фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ялпи қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларининг айнан шу хўжаликлар томонидан тайёрланаётганидан далолат беради, — дейди Оҳангарон туманидаги «Обиз Тупкент Бўстони» фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Ҳайдаров. — Фермерлик ҳаракатида янги босқичга қадам қўйилаётгани эса биз учун айни муддао бўлмоқда. Зеро, қишлоқ мулкдори доим эл-юрт дастурхони учун арзон ва сифатли маҳсулотларни етказиб беришга ҳаракат қилади.

## Диққат, танлов давом этмоқда!

### ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 31 мартидан 2016 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:**

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қалам» статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа инситутларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

**Шунингдек, танловда республикамиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари қуйидаги рағбатлантирувчи номинацияларда ўз мукофотларини таъсис этганлар:**



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси — «Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материаллар учун».

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши – 2 та номинация:

а) «Соғлом она ва бола йили» мавзуидаги энг яхши материал учун».

б) «Ижтимоий шериклик мавзуидаги энг яхши материал учун».

3. Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди – 2 та номинация:

а) «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини кенг ва самарали ёритгани учун».

б) «Энг яхши таҳлилий-танқидий материал учун».

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – «Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли».

БМТнинг Ахборот офиси – «Энг яхши ёшлар интернет нашри»

«Ҳудудий мулоқот» (Словения) – «Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун».

ЮСАИДнинг Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш бўйича дастури – «Сил касаллигига қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материаллар учун».

Германия Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – «Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВдаги энг яхши материал учун».

**Танлов шартлари:**

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

Муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни «Туркистон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.Journalist.uz

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Фаоллик ва манфаатдорлик

**ПАРТИЯМИЗ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИ ЎЗЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНА ЁКИ ХЎЖАЛИКДАГИ ХАТО-КАМЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА КЎМАКЛАШИШ БИЛАНГИНА ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЙ, ҲУДУД МИҚЁСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШГА, УЛАРГА ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАР ДИҚҚАТИНИ ЖАЛБ ЭТИШГА ИНТИЛИШМОҚДА.**



■ **Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr» мухбири

**Сайловлар даврида партиямиз бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда тадбиркор эркинлиги, хусусий мулк устуворлиги ва ҳимоясини таъминлаш, хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофазалашга йўналтирилган механизмларнинг самарали ишлашига эришиш учун қатъият билан интилишини эълон қилганди.**

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «БПТлар иштирокида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш тўғрисида»ги йўриқнома тасдиқланиб, уларнинг жадал равишда амалга татбиқ этилиши ҳам O`zLiDeP ўз вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашаётганлигидан далолат беряпти.

Тилга олинган тартиб-қоидаларга асосан ўтган йили партия таянч нуқталари жойларда учраётган айрим камчиликлар, муаммолар, шунингдек, электорат вакиллари мурожаатлари бўйича изчил иш олиб бордилар. Бинобарин, ҳисобот-сайлов йиғилишларида сафдошларимиз ана шу партиявий механизмнинг самарадорлиги тўғрисида ҳам атрофлича сўз юритаётганликлари табиий ҳол.

Масалан, Бўка туман Фермерлар кенгашида фаолият юритаётган партиямиз қуйи бўғини ҳисобот-сайлов мажлисида ҳозир бўлганлар БПТ ўз ваколатларидан унумли фойдаланаётгани, электорат вакилларини партиявий воситалар билан қўллаб-қувватлаш борасида O`zLiDeP туман Кенгаши, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз билан яқин ҳамкорлик қилаётгани ҳақида фикрлар билдирдилар. Хусусан, бошланғич ташкилот аъзолари томонидан 2015 йили «Азаматов» ҚФЙ ҳудудидаги фермер хўжаликлари раҳбарларининг мурожаати муфассал ўрганилиб, қишлоқ мулкдорлари кўтарган, яъни, хўжаликларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида янги АЁҚШ барпо этиш масаласи асосли деб топилганди. Белгиланган тартиб-қоидаларга кўра, мажлис хулосалари партия туман ташкилотига йўлланди. O`zLiDeP маҳаллий тузилмасининг бу борадаги қарори эса Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи йиғилишида муҳокама қилинди. Сўнгра тегишли идораларга депутатлик сўрови юборилди. Саъй-ҳаракатлар бесамар бўлмади: ёқилғи қуйиш шохобчаси қурилиши жорий йил режасига киритилди.

Оққўрғон туман Фермерлар кенгашида рўйхатдан ўтган БПТ раиси Муҳиддин Раҳмонов йиғилиш қатнашчиларига ҳисобот беракан, ўтган йили ер майдонларидаги захни кетказиш ишларига маҳаллий бюджет маблағларини ҳам жалб қилиш хусусидаги мурожаат инобатга олиниб, босқичма-босқич йўсинда депутатлик гуруҳига олиб чиқилгани, ушбу масала ҳозир тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилаётганини таъкидлади.

Шу ҳам эътиборга моликки, қуйи бўғинлар йиғилишларида муҳокама қилинган айрим масалалар Халқ депутатлари ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлари сессиялари, доимий комиссиялар йиғилишларида кўрилди ва кўрилаётир. Мисол учун, Ангрен шаҳридаги «Оромнон» МЧЖ бошланғич ташкилоти фаоллари шаҳарда бирорта ҳам хусусий китоб дўкони ёки кутубхона мавжуд эмаслигини кўтарган эдилар. Дарҳақиқат, мафкуравий таҳдидлар кучайган даврда бу жуда долзарб масаладир. Орадан кўп ўтмай, мазкур масала Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясига киритилди. Депутатлар бу йўналишдаги ишларни жонлантириш хусусида қарор қабул қилдилар.

Бухоролик маслакдошларимиз ҳам партия Уставининг 9.3-бандига мувофиқ иш юритиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларга мутасаддилар диққатини жалб этаяптилар, уларнинг ечими топилишига кўмаклашмоқдалар.

Чунончи, Бухоро туманидаги «Гала Ривер» қўшма корхонасидаги таянч тузилма сайловчиларнинг аҳоли, айниқса, ёшларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит етарли эмаслиги тўғрисидаги мурожаатини атрофлича ўрганиб чиқди. БПТ томонидан тақдим қилинган тегишли материаллар Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O’zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама этилди ва муаммо Кенгашнинг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси йиғилишида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ, деган тўхтамга келинди. Халқ депутатлари Бухоро туман Кенгашининг 2015 йил 7 майда ўтказилган бешинчи сессияси кун тартибига O’zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Бухоро туманида Вазирлар Маҳкамасининг «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги масала киритилди ва мавзу юзасидан доимий комиссия раиси Р.Набиевнинг ахбороти тингланди. Пировардида сессия қарори асосида туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Ч.Ҳомидов ва дастур ижросини таъминловчи ишчи гуруҳга Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган вазифалар бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш, туман архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда иқтисодиёт бўлимига қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ ва ўз муддатида амалга ошириш юклатилди.

Қоракўл туманидаги «Доктор Норкул Ҳусенов» МЧЖдаги қуйи бўғин 21 нафар ходимни бирлаштирган. Ҳисобот-сайлов йиғилишида БПТнинг ўрта синф вакиллари манфаатини ифодалаш борасидаги фаолияти қониқарли баҳоланди. Зеро, биргина «Умид-Маҳмуд» хусусий корхонасига банкдан 30 миллион сўмлик кредит олинишига партиявий воситалар билан ёрдам берилишининг ўзиёқ маҳаллий тадбиркорларда бошланғич ташкилот, демакки, сиёсий куч фаолиятига қизиқишни ғоят кучайтирганди.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланиши зарурлигини алоҳида қайд этдилар, — **дейди O`zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Мавжуда Рашидова.** — Давлатимиз раҳбарининг фикрлари бизни янада фаолроқ ишлашга ундамоқда. Жумладан, қуйи тузилмаларнинг жамоатчилик назорати амалга оширилишида бошланғич механизм сифатидаги ролини янада кучайтиришимиз керак. Тўғри, келтирилган мисоллар камёб ҳодиса эмас — юборилаётган депутатлик сўровлари, мансабдор шахслар эшитувларида БПТлар ташаббуси билан илгари сурилган масалалар салмоғи тобора ортаяпти. Лекин электорат мурожаатлари билан ишлаш бўйича аниқ мисоллар янада кўпайишини, мулкдорларнинг БПТ фаоллашувидан манфаатдорлиги ортишини истардик. Бинобарин, жорий йилда бошқа муҳим вазифалар қаторида БПТ фаолиятини янада такомиллаштириш, қуйи бўғинларнинг депутатлик гуруҳлари, энг асосийси, тадбиркор ва фермерлар билан ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалалари ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

## O`zLiDeP дастуридан

Партиянинг фикрича, мулк — бу эркинликнинг энг муҳим кафолати, инсоннинг бошқа барча ҳуқуқларининг манбаи, фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси. Либерал, адолатли ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш бевосита бозор иқтисодиёти билан боғлиқ. Сиёсий, ижтимоий, маданий эркинлик иқтисодий эркинликсиз мавжуд бўла олмайди.

## Қуйи бўғин — катта куч

**Самарқанд вилоятида ҳам хайрихоҳ ва маслакдошларимиз сафи тобора кўпаймоқда. Бугунги кунда ҳудудда 1007 та БПТ 27 мингдан зиёд партиямиз аъзосини жипслаштириб турибди. Қайд этиш керакки, бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бошқа омиллар қаторида Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларидаги O`zLiDePдан сайланган депутатларнинг қуйи бўғинларга бириктирилиши ҳам кутилган ижобий натижаларни бераётгани таъкидланмоқда.**

■ **Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr» мухбири

Айни кунгача вилоятдаги 713 та қуйи бўғинда фаолият сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Уларда 15 мингдан зиёд фуқаро, жумладан, партия фаоллари, депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Имкониятлардан унумли фойдаланиб, жойларда партия мавқеини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган 692 та қуйи бўғин раисига яна ишонч билдирилди. 21 нафар етакчи ўрнига эса янгилари сайланди.

— Кенгашимиз таркибида 3 мингдан ортиқ маслакдошни бирлаштирган 118 та таянч тузилма иш юритяпти, — дейди O`zLiDeP Самарқанд шаҳар ташкилоти БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Камола Аҳмеджанова. — Ҳисобот-сайлов йиғилишларида турли муаммолар таҳлил этилаётгани, уларга мақбул ечимлар изланаётгани бизни мамнун этмоқда. Аксарият БПТ етакчилари қайта сайланаётгани эса уларга ишонч юқорилигидан далолат. Айтайлик, Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган «Файзий» хусусий корхонасидаги қуйи тузилмага бош бўлиб келаётган Хоним Маматова якдиллик билан қайта сайланди. Зеро, сўзга чиққан фаоллар унинг ҳудудларни ободонлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган ишларга бош-қош бўлаётганини самимий эътироф этдилар.

Чиндан ҳам шундай. Ўтган йили 10 нафар йигит-қиз қуйи бўғин саъй-ҳаракати билан доимий ишга жойлаштирилди. Шунингдек, БПТ ташаббуси билан тадбиркорликка ҳавасманд ёшлар учун тижорат банклари мутахассислари иштирокида мунтазам ўқув-семинарлар ўтказилгани боис бир қанча ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйди.

Партиядошларимиз ўртасида БПТ билан депутат ҳамкорлиги тўғрисида сўз кетса, албатта, Нуробод туманидаги «Ағрон» ҳамда «Навбаҳор» МФЙ ҳудудида ташкил этилган таянч бўғинлар ҳам тилга олинади. Улар туман Кенгаши депутати Холмурод Сориев ёрдамида бир неча масалани ҳал этишга эришдилар. Шулардан бири неча йиллардан бери назардан четда қолган «Аработа» мақбараси ва «Оқмачит» қадамжосининг таъмирдан чиқарилиши билан боғлиқ ишлардир.

— Мазкур масала юзасидан Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб-чиқариш бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекциясига мурожаат қилган эдик, — дейди депутат Х.Сориев. — Яқинда ижобий жавоб олдик. Унда келгуси йилда мазкур обидалар таъмири учун зарур маблағ ажратилиши ҳамда мутахассислар жалб этилиши маълум қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳисобот-сайлов йиғилишларида санаб ўтилган амалий ишлар бизни электоратга янада яқинлаштириб, партиямизга нисбатан ишонч мустаҳкамланаётганини намоён этмоқда. Шу билан бирга очиқлик, ошкоралик руҳида ўтаётган ушбу тадбирларда йўл қўйилган камчиликлар рўйи-рост айтилмоқда. Уларни бартараф этиш асосий вазифаларимиз сирасига киради.



## Хайрли мақсад ижобати

**Эсингизда бўлса, газетамизда пойтахтимизда яшовчи уч тадбиркор — М. Романов, В. Камишанская ва О. Кузнецов ташкил этган «Business hub» лойиҳасида янги БПТ тузилиши муносабати билан мухтасаргина мақола эълон қилинган эди. Эслатамиз: лойиҳа ташкилотчилари бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турган масалалар — хусусий сектор вакилларининг бизнес юритиш билан боғлиқ билим ва кўникмаларини бепул амалга оширишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйишган. Ҳозиргача юриспруденция, бухгалтерия ва аудит, хусусий бизнеснинг ички жараёнлари, умумий маркетинг ва савдо-сотиқ, шунингдек, амалдаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқа ўнлаб йўналишлар бўйича қизиқарли мулоқотлар ўтказилди.**

**«Business hub»да O`zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солинишига бағишланган таъсис йиғилишида иштирокчилар тез фурсатда партиямиз билан лойиҳа ҳамкорлиги қизғин тус олишига, куч ва имкониятлар бирлашишига умид билдиришганди. Уларнинг ушбу хайрли мақсадлари рўёбга чиқаётир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатларимиз, партия Чилонзор туман Кенгаши масъул ходимлари, турли ташкилотларда фаолият юритаётган БПТлар етакчилари тадбирларнинг эркин, жонли ва мароқли ўтишига ҳисса қўшиб, сиёсий куч нуфузини мустаҳкамлаяптилар. Илғор услублар бўйича ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ташкилий, мафкуравий ва бошқа масалалардаги яқин ҳамкорликдан эса, аввало, электоратимиз вакиллари манфаат кўрмоқдалар. Партиямизнинг «Биргаликда биз кучмиз!» шиори шу тариқа ҳаётда акс этмоқда.**

Ўз мухбиримиз.

## Ишбилармон сафдошимиз маслаҳати ва далдаси

### КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН АСТОЙДИЛ ШУҒУЛЛАНИШГА УНДАМОҚДА

■ **Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr» мухбири

Кармана туманидаги уч мингга яқин сафдошимиз ғоявий-сиёсий тадбирлар оммабоплигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишяпти.

**Масалан, «Муҳаббат боғи» хусусий корхонасида тузилган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти ташаббуси билан тумандаги Озиқ-овқат саноати ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежида ўтказилган давра суҳбати иштирокчиларга маъқул бўлди.**

«Коллеж битирувчиларида ишбилармонликка оид билим ва кўникмаларни шакллантириш ёрдамида бизнесга жалб этиш: муаммо ва ечимлар» мавзуига бағишланган тадбирда депутатлар, O`zLiDeP ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари масъул ходимлари, ННТлар ва маҳаллий бошқарув органлари вакиллари, БПТ етакчилари, коллеж битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Таълим муассасаси директори Муҳайё Норқулова жорий йилда коллежни 205 нафар ўқувчи битираётгани, коллеж, ота-она, иш берувчи ва маҳаллий ҳокимлик ўртасида тўрт томонлама шартномалар имзолангани, ёшларимизнинг эртанги иш жойлари аниқлиги, шунингдек, бир қанча йигит-қизлар банкдан кредит олиш учун ариза берганликларини маълум қилди.

Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Шерали Бердиев, «Миллий банк»нинг Сардоба бўлими ходими Зафар Ҳасанов, O`zLiDeP Навоий вилоят ташкилоти ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Хислат Зайниддинов коллеж битирувчилари учун солиқ қонунчилигида, кредитлар ажратилишида кўзда тутилган имтиёзлар, тадбиркорларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш сингари мавзуларда батафсил сўз юритдилар, саволларга ҳаётий мисоллар воситасида жавоб қайтардилар.

БПТ фаоли, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ориф Каримов 7 гектарлик иссиқхона, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, ошхона, дорихона, доривор гиёҳларни қадоқлаш цехи сингари ўнлаб йўналишда иш юритаётган, 150 ишчи-ходимга эга «Муҳаббат боғи» ўз-ўзидан шу даражага етмаганлигини баён эта бошлаганида тўпланганлар янада жонланди.



— Менинг тадбиркорлик фаолиятим айнан сизлар яшаётган қишлоқдан бошланган, — дея сўз бошлади депутат. — Кўпчилик, айниқса, ёшлар «Банкдан кўпроқ миқдорда кредит олсам, тадбиркорлик қилсам, тезда бойиб кетаман», деб ўйлайдилар. Нарвоннинг юқори поғонасига бирданига кўтарилиб бўлмагани сингари, катта ишни ҳам аста-секинлик билан бошлаш лозим. Тадбиркорлик таваккалчилик дегани. Мушкулотдан, таваккал қилишдан қўрқиш керак эмас. Хонадонингизда 6, 8 ва ҳатто 30 сотихгача томорқа бор. Ишни томорқангизда сердаромад экинлар экиш, имконият даражасида қорамол, парранда, қуён, асалари боқишдан бошланг. Бир, икки, уч сотихли кичик иссиқхоналар қуринг. Оз-оз бўлса-да, кўп йўналишда иш юритсангиз, касод бўлмайсиз. Бир соҳада ишингиз юришмаса, бошқалардан олган даромадларингиз унинг зарарини қоплаб кетади. Оилавий бизнесни йўлга қўйсангиз янада яхши. Бу ишлар учун катта маблағ талаб этилмайди. Олинган фойда ҳисобига кредитсиз фаолиятингизни кенгайтириш имкони яратилади. Кредит — қарз дегани. Қарзни эса тўлаш лозим. Ҳаётда кўряпмизки, катта-катта кредит олиб, ишни эплай олмай, «синиб» қолганлар ҳам йўқ эмас. Икки йил аввал ука-сингил, жиянларим ҳамда ишчи ходимларимиздан 6 нафарининг хонадонида кичик, тежамкор иссиқхоналар қурдик. Бир йилда улар ҳар бир сотих ердан ўртача 15 миллион сўмдан соф фойда олишди. «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал», деганларидек, ишхонамизга келинг, қилаётган ишларимизни ўз кўзингиз билан кўринг, тажриба ўрганинг. Тадбиркорликни бошлашингиз учун қандай ёрдам керак бўлса, бемалол мурожаат қилаверинг.

Давра суҳбатида Ориф Каримовнинг O`zLiDeP туман Кенгаши ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи «Ёш тадбиркорлар» мактаби ташкил қилиш тўғрисидаги таклифини ҳамма қўллаб-қувватлади. Унга раҳбарлик қилишни депутат ўз зиммасига олди.

Ишонамизки, сафдошимиз саъй-ҳаракатлари туфайли қишлоқда тадбиркор ва фермерлар сони янада кўпаяди. Янги-янги иш ўринлари яратилади, маслакдошларимиз сафи ҳам кенгаяди.

## Қонунлар ижроси:
# МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА «ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.**



Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Германиянинг К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги жамғармалари, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХҲТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Европа парламенти депутатлари, Германия, Италия, Бельгия, Латвия, Словения каби давлатлардан экспертлар иштирок этди.

Конференцияда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, уларнинг амалий самарадорлигини оширишда қонуний асосларни мустаҳкамлаш, қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига хизмат қилаётгани таъкидланди. Давлат органларининг қонунларни сўзсиз бажариш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг аҳоли ҳуқуқий хабардорлигини ошириш ва қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятини ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» барча ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда янги босқични бошлаб берди. Концепцияга мувофиқ қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳукуматимиз ва ижро тузилмаларининг қонунлар ижроси ҳамда устуворлигини таъминлашдаги масъулиятини янада оширди. Миллий қонунчилик базасининг изчил такомиллаштирилаётгани мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, қонунлар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда муҳим омил бўлаётир.

— Мазкур халқаро конференцияда иштирок этиш жараёнида қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш борасида Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишдик, — деди Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш институти асосчиси ва ижрочи директори Эрик Аксе (Бельгия). — Мамлакатингизда кучли қонунчилик базаси яратилгани, мазкур тизим изчил ривожланаётгани, соҳада халқаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани эътибор молик. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича келишиб олдик.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш механизмларини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар билан таништирилди. Қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари, қонунларни сўзсиз бажаришда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги хусусида фикр алмашилди.

Европа парламенти депутати Ивета Григуле демократик ислоҳотларни муваффақиятли ва самарали амалга ошириш учун зарур бўлган, ҳаёт талаб қилаётган қонунларни қабул қилиш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказишга оид ҳуқуқий тажрибани ўрганиш ва самарали қўллаш, уларнинг ижросини назорат қилиш қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу борада Ўзбекистон тажрибасидан ўрганиш ва намуна олиш мумкинлигини қайд этди.

Конференцияда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш юзасидан қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига алоҳида эътибор қаратилди. Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш масаласи акс этган, улар фаолияти ҳақидаги ахборотни тарқатишнинг янги тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибини тубдан такомиллаштирди, уларни нашр қилишнинг расмий манбаларини белгилаб берди. Ўзбекистонда янги қонунлар, қонун тўпламларини чоп этадиган расмий манбалар фаолият кўрсатмоқда. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан яратилган Lex.uz миллий қонунчилик базаси, «Norma» ва «Yurida» ахборот-ҳуқуқий тизимларидан унумли фойдаланилмоқда, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», ҳуқуқий адабиётлар чоп этилмоқда.

— Қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш борасида Ўзбекистон тажрибаси ва бу соҳада эришилаётган ютуқлар билан яқиндан танишганимдан мамнунман, — деди Италиянинг Осиё ва Ўртаер денгизи минтақаси масалалари бўйича институти вице-президенти Уго Интини. — Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Барча соҳаларни изчил демократлаштириш доирасида соҳаларга оид қонунчилик тизими такомиллаштирилмоқда. Мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг умумий принцип ва механизмларини белгилаб қўйиш билан чегараланмаслик кераклигини алоҳида таъкидлади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, замонавий шароитда қонунлар ижроси тизими принципиал жиҳатдан янги ёндашувлардан фойдаланган ҳолда уни доимий ислоҳ қилишни талаб этади. Конференция иштирокчилари мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг самарали ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади. Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида катта муваффақиятларга эришилаётгани қайд этилди.

Анжуманда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказишнинг самарали усуллари, бу борада парламентнинг ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги, қонунлар ижросини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатишдаги роли, аҳолининг улардан хабардорлигини таъминлашда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги, қонунлар ижросини таъминлашда давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, қонунларни сўзсиз бажаришда қонун ҳужжатлари самарадорлигини баҳолаш тизимининг ўрни каби масалаларга доир маърузалар тингланди.

*www.parliament.gov.uz*

## ХАБАРЛАР, янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий сайти – www.prokuratura.uzнинг янги версияси ишга тушди. Мазкур интернет ресурс ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилган – янги бўлимлар, хизматлар, функциялар фойдаланувчиларга қулайлик туғдиради. Чунончи, «Интерактив хизматлар» бўлимида прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш жадваллари, шунингдек, қабулни ташкиллаштиришга масъул бўлган ходимлар билан боғланишга оид маълумотлар ўрин олган. «Мурожаат юбориш» интернет-қабулхонаси орқали жисмоний ёки юридик шахс қонун бузилишлари ҳақида ариза, шикоят, мурожаат юбориши мумкин. Шунингдек, сайт бепул ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини ҳам беради.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

«Moody's Investors Service» ҳамда «Standard and Poor's» халқаро агентлигининг рейтингида «Барқарор» прогноз кўрсаткичига эга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан «Эришилган натижалар ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги вазифалар» мавзусидаги матбуот анжумани ўтказилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари банк томонидан мунтазам қўллаб-қувватланиб келинмоқда. 2016 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, ажратилган кредит маблағлари 286 млрд. 670 млн. сўм; ишбилармон аёлларимизга ажратилган маблағлар 46 млрд. сўмни, хизмат кўрсатиш соҳасига 47 млрд. сўмнм ташкил қилди, — дейди банкнинг Инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Қобил Жўраев.

* * *

Миллий матбуот марказида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан «Қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қурилиши» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидландики, жорий йилда янада такомиллаштирилган лойиҳалар асосида 1 миллион 800 минг квадрат метрдан зиёд ҳажмдаги 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 900 километр ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари линиясини ишга тушириш, 325 километр йўл қуриш мўлжалланмоқда.

* * *

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Тошкентбошплан ЛИТИ» давлат унитар корхонасида пойтахтимиз автомобиль йўллари ва кўприклар қурилиши, айрим трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда транспорт воситаларининг қатнови йилдан-йилга ортиб бориши оқибатида йўл-коммуникация тармоқларида муайян ўзгаришлар қилиш зарурати юзага келаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, бугун пойтахтимиздаги трамвай йўлларининг 90 фоизи замон талабларига мос келмайди. Шу боис, аҳолига қулайлик яратиш, сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида 87,8 километрлик трамвай йўли ўрнига автомобиль йўллари қурилади, мавжуд йўллар кенгайтирилиб, замонавий ва қулай йўлларга айлантирилади, баъзи ўринларда эҳтиёжга кўра, ободонлаштириш ишлари олиб борилади, яъни яшил ҳудудлар ташкил этилади. Ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида ва шоҳкўчаларда, чорраҳаларда тирбандликлар юзага келаётганини инобатга олиб, пойтахтнинг марказий қисмида янги халқа йўли барпо этилади. Мазкур халқа йўлида транспорт қатновини енгиллаштириш учун 3 та янги кўприк ҳам қурилади.

**Фарзона КОМИЛОВА.**

* * *

Шўрчи туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида O`zLiDeP туман Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Соғлом она ва бола — фаровон ва кучли жамият таянчи» шиори остида спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Унда эллик нафардан зиёд хотин-қиз спортнинг енгил атлетика, волейбол, футбол, кураш турлари бўйича ўзаро белашдилар.

Мусобақанинг волейбол йўналишидаги беллашувларида Бобур номидаги маҳалла вакиллари тенгсиз деб топилган бўлса, футбол бўйича Яккабоғ маҳалласи вакиллари биринчи ўринни қўлга киритишди. Шунингдек, кураш мусобақаларида М.Ҳимматалиева, енгил атлетика бўйича баҳсларда Оққамар маҳалласида яшовчи Ж.Худоёрова ғолиб бўлди.

— Юртимизда спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Жамила Худоёрова. — Енгил атлетика билан шуғулланаётганимга уч йилдан ошди. Ҳам жисмонан ҳам руҳан тетик бўлганимни ҳис қилдим. Соғлом турмуш тарзини яратишда спортнинг ўз ўрни бор.

**Н.ШОЕВА,**
**O`zLiDeP Шўрчи туман Кенгаши маслаҳатчиси.**

* * *

«DAEWOO TEXTILE FERGANA» масъулияти чекланган жамияти корхонаси ҳамда Жанубий Кореянинг «Френд Азия» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳомийлигида Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги 7 умумтаълим мактабининг ахборот-ресурс маркази биноси таъмирдан чиқарилиб, тўлиқ жиҳозланди.

Кореялик ҳомийлар кўмаги билан 680 ўринли мазкур мактабнинг ахборот-ресурс маркази замонавий мебель жиҳозлари, сўнгги русумдаги компьютер технологиялари, телевизор, кондиционер билан жиҳозланди, шунингдек, ўқув ҳамда бадиий адабиётлар сотиб олишга маблағ ажратилди. Бу мақсадлар учун қарийб 100 миллион сўм сарфланди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

* * *

Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан электр энергияси истеъмолчиларини тармоқларга улаш, ҳисоблагичлар ўрнатиш, шунингдек, мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда энергетика тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Янги технологик ечимларни жорий этиш, хизматлар ҳажмини ошириш баробарида сарфланаётган шартли ёқилғи миқдорини камайтириш, асосий қувватлар ва ёрдамчи хўжаликларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш лойиҳалари хусусида сўз юритилди.

Партиямиз электорати учун эътиборли жиҳати шундаки, «Ўзбекэнерго» АЖ мутахассислари тадбиркорларга «Ягона дарча» маркази орқали таклиф қилинаётган «Электр тармоқларига улаш хизмати»нинг қулайликларини слайдлар кўринишида намойиш этишди. Энди ишбилармонлар бу борадаги сарсонгарчилик ва ортиқча вақт сарфидан қутилади. Яъни, «Ягона дарча» марказига мурожаат қилган тадбиркорнинг аризаси бир кун ичида кўриб чиқилиб, беш кун мобайнида объект ўрганилади ва шартнома таклиф қилинади.

**Аслиддин АЛИМАРДАНОВ.**



ЎзА фотомухбири Темур МАМАДАМИНОВ олган сурат

# Хизмат кўрсатиш сифати ошади

**Давлат солиқ қўмитаси томонидан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада яратилаётган қулай шарт-шароитлар, соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида видео-семинар ташкил этилди. Унда транспорт хизмати кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларидан 600 дан ортиқ вакиллар иштирок этди. Видео-семинар эркин мулоқот тарзида ўтказилиб, унда тадбиркорларнинг соҳа билан боғлиқ саволлари тингланди ва тегишли маслаҳатлар берилди.**

Бугунги кунда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, автотранспорт воситаларида аҳолига ноқонуний равишда пуллик хизмат кўрсатишга барҳам бериш мақсадида, давлат солиқ хизмати органлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Хусусан, 2016 йилнинг ўтган даврида ўтказилган 2775 та рейдда 5490 жисмоний шахснинг ноқонуний фаолият билан шуғулланаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан қарийб 6,5 млрд сўмлик жарима қўлланилган.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизда транспорт корхоналари сони 2473 тани ташкил этиб, уларнинг тасарруфида 60,7 мингта транспорт воситалари мавжуд. Шундан 31,4 мингтаси енгил автомобиллар улушига тўғри келади ва тизимда 90 мингдан ортиқ ишчи-ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

**Дилафрўз ТОЖИБОЕВА.**

# Тўртинчи сектор ривожланмоқда

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмасида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат грант танловларида иштирок этишдаги фаоллигини ошириш» мавзуида депутатлар, тадбиркор ва фермерлар, грант танловлари ғолиблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида семинар бўлиб ўтди.**

ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлинмаси катта мутахассиси Қаҳрамон Муҳаммедов, O`zLiDeP Жондор тумани Кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Раъно Раҳимова, «Тадбиркор аёл» уюшмаси Ғиждувон туман бўлими раиси Робия Камолова ва бошқалар ушбу мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Тадбирда грант лойиҳаларини баҳолашнинг асосий мезон ва жиҳатлари, ишланмаларнинг ижтимоий аҳамияти, Соғлом она ва бола йили муносабати билан эълон қилинган йўналишлар бўйича тегишли маълумотлар берилди. Грант лойиҳаларини ишлаб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Асхор ИСТАМОВ,**
**«XXI asr» мухбири.**

# Маънавият сабоқлари

Низомий номидаги Тошкент давлат университетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси билан ҳамкорликда «Маънавият – инсон камолоти белгиси» номли давра суҳбати ўтказилди. Унда «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари Бош муҳаррири, шоир Сирожиддин Рауф, «XXI asr» газетаси Бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Норқобил Жалилов талаба ёшлар билан фикр алмашдилар. Ёшларни турли ёт иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, «оммавий маданият» билан боғлиқ маънавий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, асосийси, ватанпарварлик ғояларини кенгроқ тарғиб этишга йўналтирилган мазкур мулоқотда, ўқув муассасаларида, энг аввало таълим ва тарбияни биргаликда олиб бориш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири эканлиги таъкидланди.

**Саиднеъмат УМАРОВ,**
**ТДПУ доценти.**

# Мумтоз сиймо, адолатпарвар зот

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR» мухбири




Ўтган йигирма йил давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, ташриф буюраётган сайёҳларга кўрсатилаётган хизматни замонавийлаштириш мақсадида уч юлдузли меҳмонхоналар, қатор савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги «2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги «Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари воҳанинг тарихий маданий меросидан самарали фойдаланиш, тарихий архитектура ансамбллари ва ёдгорликлари ҳолатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур қарорлар асосида қабул қилинган дастур доирасида Шаҳрисабзни замонавий туризм шаҳрига айлантириш учун улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Амир Темур майдони кенгайтирилиб, Оқсарой мажмуасини Дорул-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари, Чорсу, Кўкгумбаз масжиди билан боғлаб турадиган сайилгоҳ барпо этилиб, хушманзара гулзорга айлантирилди. Сайилгоҳда фавворалар, маданий объектлар ва айвончалар қурилди.

Амир Темур музейи директори, тарих фанлари номзоди Наби Хушвақтовнинг таъкидлашича, яқинда сайилгоҳ ҳудудидан Амир Темур ва Темурийлар бунёд этган тарихий йўл аниқланган. Бу йўл Дорул-тиловат мажмуасидан бошланиб, шаҳарнинг Самарқанд дарвозаси, Тахтиқорача довони бўйлаб Самарқанд шаҳригача борган экан... Икки мажмуа орасида бир пайтлар 2 та ҳовуз бўлиб, уларнинг бири «Ҳовузи Мардон» деб аталиб, сув сақланган. Таъмирлаш жараёнида эътиборсизлик туфайли кўмилиб кетган бу иккала ҳовуз ҳам қайта тикланди. Айни пайтда ўнта тарихий иншоотларда таъмирлаш ишлари олиб борилялти. Шаҳарнинг тарихий қисмида жойлашган «Коба карвонсаройи», «Молик Аштор» масжиди, «Чубин» ва «Абдишукур оғалик» мадрасалари ҳам қайтадан таъмирланди.

Аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси бўлган Шаҳрисабздаги Оқсарой маданий ёдгорлигини қуришда қўлланилган меъморчилик услуби, ишлатилган қурилиш ва безак материаллари ҳали ҳамон дунё халқларини ҳайратга солиб келаётир. 1380 йилда қурилиши бошланган бу машҳур меъморчилик ёдгорлиги археологлар томонидан ҳозиргача ўрганилмоқда. Бундан бир неча йил муқаддам ушбу ёдгорликни комплекс тадқиқ этиш лойиҳаси доирасида бу ердаги фаввора ва ҳовузларда ишлатилган горизонтал мозаика ва майоликаларни жаҳондаги илғор методологик услублар асосида илмий жиҳатдан текшириб чиқиш, консервациялаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилганди. Европанинг «Фан ва маданий мерос» ассоциацияси ҳамкорлигидаги ушбу лойиҳада ЎзФА археология институти, СамДУ, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ва Шаҳрисабздаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейи тадқиқотчилари иштирок этишганди. Ўрганиш жараёнида бинонинг сейсмологик қуввати, ер ости сизот сувларига бардошлигиги, экологик ўзгаришларнинг тарихий обидаларга таъсири ҳам аниқланган. Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларда ишлатилган мозаика ва майоликалар Франциянинг Бордо университети лабораториясида ўрганилганда, уларни сирлаш учун ишлатилган кимёвий моддалар табиий ўсимликлардан, рангларни тайёрлашда асосий компонент бўлган ишқор кулоллар томонидан шўрли чўлларда ўсувчи «балиқ кўзи» деб аталувчи ўсимлик кулидан олингани аниқланган.

Сангиртепа ва Узунқирда бошланган археологик тадқиқотларда ўзбекистонлик археологлар билан бирга Буюк Британиянинг Эдинбург университети олимлари, Россиянинг Эрмитаж музейи ходимлари ҳам иштирок этган. Қазиш ва изланишлар натижасида темурийлар даврига мансуб 6500 дан зиёд осори-атиқалар тўпланган. Улар ноёб мозаика, майолика, сопол буюмлар, мисгарлик, темирчилик ва ёғоч ўймакорлиги намуналаридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шаҳрисабздаги темурийлар даврига мансуб 18 та меъморчилик обидалари ЮНЕСКОнинг «Умуминсоният мероси» китоби рўйхатига киритилган. Келгусида мазкур лойиҳа доирасида ёш тадқиқотчиларни Европанинг илғор марказларида малакасини ошириш, бу ерда тўпланган тажрибаларни бошқа меъморчилик ёдгорликларида ҳам қўллаш, темурий даври маданиятини жаҳон оммасига тарғиб қилиш мақсадида виртуал кўргазмалар, интернетда веб-сайтлар яратиш ва Европа музейларида темурийлар даврининг ноёб экспонатлари кўргазмаларини ташкил этиш мўлжалланган эди.

Яқинда *соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан* **Тошкент Ахборот технологиялари университети Қарши филиали дастурчилар гуруҳи томонидан яратилган sohibqiron.uz сайти ишга туширилди.** Жаҳонгир бобомизнинг умр йўлларига оид батафсил маълумотлар ўзбек, инглиз, рус тилларида киритилган мазкур сайт ўн беш бўлимдан иборат. Хусусан, унда Амир Темур ҳазратларининг таржимаи ҳолидан тортиб, улуғ зот ҳақида айтилган ривоятларгача алоҳида-алоҳида тартибланган. Шунингдек, сайтдан саркарда сиймосига оид фото, видео лавҳаларни ҳам топиш мумкин. Мазкур сайт техник жиҳатдан жуда қулай, шу билан бирга фойдаланувчи учун содда ва осон.

— Шаҳримизда 2014 йилда бошланган кенг кўламли реконструкция ишлари ўз ниҳоясига етмоқда, — дейди **O`zLiDeP Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Улоч Ярашев**. — Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан 27 асрлик тарихга эга шаҳримиз ўн минглаб янги дарахт ва бошқа ўсимликлар кўчатлари билан безатилди. Амир Темур номли майдонни кўкаламзорлаштириш учун Бельгиядан 10 минг туп лола келтирилди. Марказий хиёбонга 25 турдаги манзарали бута ва турли хилдаги дарахтлар, жумладан, магнолия, жўка, лола дарахти, эман, каштан, қора қарағай, барбарис дарахти ва саквойя ўтқазилди. Истиқлол нурила мунаввар бўлиб, кундан-кунга чирой очаётган шаҳримизга келган меҳмонлар амалга оширилган бунёдкорлик ишларига, улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқдалар. Буюк бобомиз тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлибгина қолмасдан, буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирган мумтоз сиймо, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очган адолатпарвар инсон сифатида бутун дунёни ҳайратга солаётгани рост. Депутатлар ва партиямиз фаоллари иштирокида таълим муассасалари ва маҳаллаларда мазкур сана муносабати билан давра суҳбатлари ташкил этаяпмиз.

Ҳа, Қашқадарёда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигини нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрилмоқда. Айни вақтга қадар бўлиб ўтган давра суҳбатлари ва учрашувларда шавкатли бобомизнинг шахс, саркарда, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, бунёдкорлик ишлари, илм-фан ривожи йўлидаги меҳнатлари миннатдор авлодлар томонидан такрор-такрор эътироф этилмоқда...

# Жамғарма ваколатлари янада кенгайтирилди

**Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий асослар тобора такомиллаштирилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, мазкур секторнинг самарадорлигини оширишда кенг имкониятлар яратмоқда.**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI ASR» мухбири

Изчил иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ҳам сезиларли равишда ортиб, «Made in Uzbekistan» ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаётир. Ана шу жараённинг муваффақиятини таъминлашда эса Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

Айни кунларда мазкур жамғарма вакиллари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда республикамизнинг барча туманларида Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказишга бағишланган давра суҳбатларини ўтказмоқда.

Бундай давра суҳбатларининг навбатдагиси Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлар учун яратилган янги имкониятлар, жумладан, жамғарма устав капитали 5,3 млрд. сўмдан 10,0 млрд. сўм ва 2,0 млн. АҚШ долларига оширилгани, хорижий давлатларда ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига эга бўлгани, хизматлар учун тўланадиган комиссия тўловлари 3 фоиздан 1 фоизгача туширилгани тўғрисида маълумот берилди.

—Бундан ташқари, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун етарли маблағлари бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари устав капиталида иштирок этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортга чиқариш бошланганидан сўнг жамғарма улушини икки йил мобайнида бозор қийматида сотиш имконияти яратилди, — дейди жамғарма директори ўринбосари Камолиддин Нурматов.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари мамлакатимизда фаолият юритаётган БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Халқаро ҳамкорлик бўйича немис жамияти (GIZ), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва бошқа ташкилотларнинг харидларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш тартиб-тамойиллари билан таништирилди.

Давра суҳбати якунида тадбиркорлар бундай янги имкониятлардан руҳланиб, жамғарма билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, ўз маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқишда ана шу қулайликдан оқилона фойдаланишга келишиб олишди. Зеро, иқтисодиётнинг бу йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий-молиявий ёрдам кўрсатилиши баробарида экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

«ТАШАББУС – 2016»

# Тадбиркорларнинг ташаббускорлик салоҳияти намойиши

## ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС – 2016» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови 20 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан вазирлик ва идоралар кўмагида ташкил этилди.

Тадбиркорларнинг ҳар йили ўтказилаётган ушбу ташаббус марафони халқимизнинг ҳар бир оила, бутун юртимиз фаровонлиги учун интилаётганидан далолат беради. «Ташаббус – 2016» кўрик-танлови ҳам буни ёрқин тасдиқлади. Танловда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, ички бозорни сифатли товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳамда бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нечоғли муҳим ўрин тутиши намоён бўлди.

Ушбу форумда иштирок этиш истагида бўлганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани унинг аҳамияти ва кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради. Масалан, жорий йилда ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 7 минг 700 дан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашди. Уларнинг 540 нафардан ортиғи ҳудудий босқичларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳакамларнинг юқори баҳоларига сазовор бўлган 41 иштирокчи «Ташаббус – 2016» кўрик-танловининг мамлакат босқичига йўлланма олди.

«Туркистон» саройида ташкил этилган экспозицияда озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт препаратлари, маиший техника, либослар, мебель маҳсулотлари, заргарлик безаклари, гиламлар, қурилиш материаллари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар тақдим этилди. Ҳар бир экспонент стендида тадбиркорлик фаолиятининг ютуқлари ва имкониятлари намойиш қилинди.

Қорақалпоғистонлик тадбиркор Муротбек Танирбергенов улардан бири. Унинг 2009 йилда фаолият бошлаган «Muratbek Mebel» корхонасида уй ва офис учун юқори сифатли ва замонавий дизайндаги мебель ишлаб чиқарилмоқда. 2015 йилда маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида Италия ва Германиядан махсус ускуналар келтириб ўрнатди. Бу эса ISO 9001-2015 халқаро сифат стандартига эга бўлиш имконини берди.

— 2014 йилда қиймати 2,4 миллиард сўмлик мебель ишлаб чиқардик, — дейди М.Танирбергенов. — Ўтган йили бу кўрсаткич 3,4 миллиард сўмдан ошди ва бу йил сайин ривожланиб бораётганимиздан далолат беради. Бундай самарадорликка Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаётгани, мамлакатимизда бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратилаётгани, имтиёз ва преференциялар берилаётгани туфайли эришмоқдамиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида хусусий сектор улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан ўтган йили 56,7 фоизга етди. Айни пайтда саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи иқтисодиётимизнинг ушбу секторида ишлаб чиқарилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди.

Сурхондарёлик Хушбоқ Эшназаров ҳам мамлакатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб келаётган фермерлардан. Унинг кўп тармоқли «Нурмат Хўжақулов» фермер хўжалигида пахта, ғалла етиштириш билан бирга, қорамол, парранда парваришланмоқда. Интенсив олма боғи, бодринг, помидор ва лимон етиштириладиган иссиқхоналар барпо этилган. Бундан ташқари, сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Фермер ўз маҳсулотларини «Туркистон» саройида кенг намойиш қилди. Хўжалик ютуқлари билан қизиққан иштирокчилар бизнес юритиш борасида тажриба алмашди. Бундай салмоқли ютуқларга қандай эришдингиз, деган саволга фемер шундай жавоб берди:

— Саховатли заминимиз фаровонлигимиз манбаидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ердан унумли фойдаланиш учун барча ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилган. Айнан шу боис бугун биз нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, балки пешона теримиз билан етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз. Илгари булар ҳақида ҳатто орзу ҳам қилолмас эдик.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида кенг кўламли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғини ва уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда. Масалан, 2015 йилда 7,5 миллион тоннадан зиёд ғалла, 3,5 миллион тоннадан ортиқ пахта, 12,5 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 1,8 миллион тонна полиз маҳсулотлари ва 2,7 миллион тоннадан зиёд мева йиғиштириб олинди.

Ҳунармандларнинг ранг-баранг стендлари «Ташаббус – 2016» кўрик-танловига келганларнинг алоҳида эътиборини тортди. Халқ усталари томонидан яратилган ноёб буюмларни кўриб, уларнинг бадиий фантазияси ва маҳоратига қойил қоласиз. Бу ерда Шарқ миниатюраси асарлари, ёғочдан ясалган, сопол буюмлар, заргарлик безаклари, болалар кровати ва бешиклар, бошқа кўплаб турли маҳсулотларни кўриш мумкин.

— Илгари ҳунармандлар турли тазйиқлар сабабли уйида яширинча ишлашга мажбур эдилар, — дейди Тошкент вилоятидан Муроджон Ўрмонов. — Бошқача айтганда, эркин фаолият юритиш, истеъдод ва ижодий салоҳиятни намойиш қилиш учун шароит йўқ эди. Мустақиллик туфайли маҳсулотларимизни эркин ишлаб чиқариш, сотиш, ҳатто халқаро кўргазмаларда қатнашиш имкониятига эга бўлдик. Ўтган йили 45 миллион сўм соф даромад олдим ва бу кўрсаткич янада ошишига ишонаман. Негаки, катта режалар тузганман.

Ҳа, бугун тадбиркору ҳунармандларимиз шундай истиқболли режаларга эга. Зеро, Ўзбекистонда маданий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, халқ усталарини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни Наврўз кунлари тадбиркорлар ўзининг хилма-хил сифатли маҳсулотлари, бежирим ва нодир буюмларини намойиш этгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради ва бошқа юртдошларимизни ҳам ўз ишини йўлга қўйишга ундайди.

Анъанага кўра, «Туркистон» саройида «Ташаббус – 2016» кўрик-танлови ғолибларининг номи тантанали равишда эълон қилинди.

Ғолиблар учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишлари, шунингдек, «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшлар учун энг кўп иш ўринлари ташкил қилган тадбиркор», «Менинг Ватаним – менинг фахрим», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиби», «Озиқ-овқат саноатида йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши маҳсулоти», «Йилнинг энг яхши экспортчиси» ва «Энг яхши масъулиятли ижтимоий шерик» каби қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

«Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида Наманган вилоятидан «Aisha Home Textile» қўшма корхонаси раҳбари Жобир Камолиддинов ғолиб бўлди. Мазкур корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Тошкент вилоятидан Исматилла Дадабоев «Йилнинг энг яхши фермери» деб топилди. Унинг раҳбарлигидаги хўжаликда пахта ва ғалла етиштирилади, қорамол ва парранда парвариш қилинади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланади.

Тошкент шаҳридан Мадина Қосимбоева «Йилнинг энг яхши ҳунарманди», деб эълон қилинди. У каштачилик ва сўзана маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

— Бундай нуфузли танловда ғолиб бўлиш катта шараф, — дейди 2016 йилнинг энг яхши тадбиркори Жобир Камолиддинов. — Рақобат жуда кучли бўлди. Чунки, кўрик-танловда энг муваффақиятли ва истиқболли тадбиркорлар қатнашди. Юртимизда бундай уддабурон ва ташаббускорлар кўп ва улар турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Истиқболга белгилаган режаларимиз талайгина, жумладан, халқаро бозорга чиқишни мўлжаллаяпмиз. Шу боис янада кўпроқ меҳнат қилиб, менга кўрсатилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

**СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР:**

***«Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлилик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим.***

***Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар.***

***Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини [шунчаки] эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.***

***Агар [ғаним устига] лашкар тортмоқчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларим кўнгилларининг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг нафъ ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилардим. Сипоҳни иккилантирадиган [турумсиз] кенгашни эшитишдан сақланардим. Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гапирса, суйиб эшитар эдим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим».***

**«Темур тузук»ларининг**
**«Тадбирлар ва кенгашлар» мақоласидан.**

**СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!**

Савол:
**Мен тадбиркорман. Кўпинча матбуотда, хусусан «XXI asr» газетаси саҳифаларида ҳам, маҳсулотларимиз ISO талабларига тўла жавоб беради, деган сўзларга кўзим тушади. Айтинг-чи, ISO бу нима дегани?**

*Б.Эшалиев*
*(Тошкент вилояти)*

**Жавоб:** ISO – бу халқаро ташкилот бўлиб, у 1946 йилда БМТ стандартларни мувофиқлаштириш бўйича БМТ қўмитаси кенгашида ташкил этилган. Ташкилотнинг мақсади халқаро товар айирбошлаш ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё бўйича стандартлаштиришни ривожлантиришга ёрдам бериш, шунингдек, интеллектуал, илмий техник ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир.

***Саволга «SANADA» сертификатлаштириш органи бошлиги Аделя САЛИХОВА жавоб берди.***



## Баҳодирларимизнинг Олимпиада йўлланмалари

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Бразилияда бўлиб ўтадиган Олимпиадада иштирок этадиган спортчилари сони яна ортди. Энди вакилларимиз Рио де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган нуфузли ва тенгсиз беллашувларда мазкур спорт турининг барча вазн тоифаларида ғолиблик учун курашадилар. Хусусан, Хитойнинг Куинан шаҳрида жами 226 нафар боксчи иштирокида ўтган Осиё-Океания минтақаси учун Олимпия саралаш мусобақаси давомида терма жамоамиз аъзолари 5 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Элшод Расулов, Баҳодир Жалолов, Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Шахрам Ғиёсов, Рустам Тўлаганов, аёллар ўртасида эса Ёдгорой Мирзаева сингари "чарм қўлқоп" усталари Олимпиадага қизғин тайёргарлик кўришади.

## Балли, Оксана!

Оксана Чусовитина Германиянинг Коттбус шаҳрида ўтаётган гимнастика бўйича жаҳон Кубогида таяниб сакраш бўйича машқларда ғалаба қозонди. Икки уринишдан сўнг, унинг натижаси 14.700 баллни ташкил этди. 14,350 балл тўплаган хитойлик Ву Жинг иккинчи ўринни эгаллади. Бронза медаль словениялик спортчи Тьясе Кисселефга насиб этди. Мазкур медаль жорий йил ҳисобидан Оксана эришган иккинчи ғалабадир. Ҳамюртимиз февраль ойида Бокуда ўтган мусобақада ҳам таяниб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритган эди.

## Гуруҳ баҳслари: ДУРАНГ ВА...

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари доирасида Тошкентнинг «Бунёдкор», «Пахтакор», «Локомотив» ҳамда Қаршининг «Насаф» жамоалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Вакилларимизнинг ушбу босқичдаги иштироки мухлислар ва мутахассисларни ўйлантираётгани табиий. Негаки, қулай ва ноқулай вазиятлардан фойдаланишда, қарши ҳужум борасида футболчиларимиз нисбатан бўшроқ ўйин кўрсатишаётир. Олайлик, Қаршининг «Насаф» клуби ўз майдонида, минг-минглаб садоқатли мухлислари ҳузурида Қатарнинг «Ал-Жаиш» клуби билан нурсиз дуранг ўйнаган бўлса, «Бунёдкор сафарда Эроннинг «Зоб оҳан» жамоасидан йирик ҳисобда енгилди – 2-5. Хайриятки, «Локомотив» Эроннинг «Сепаҳон» клубини кичик ҳисобда мағлуб эта олди. «Пахтакор» эса сафарда 0:2 ҳисобида «Тракторсози»га ютқазиб қўйди.

М.ЮСУПОВ тайёрлади.

Эълон

**ДИҚҚАТ: ОЧИҚ МУЛОҚОТ!**

**ТАДБИРКОР, ИШБИЛАРМОН ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси, Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши, Давлат Солиқ қўмитаси, Марказий банк ва бошқа етакчи тижорат банклари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида

***«Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига кредитлар ажратилиши борасидаги муаммолар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида маълумотлар билан ўртоқлашиш, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари экспорти бўйича амалий ёрдам кўрсатиш» мавзусида***

***ОЧИҚ МУЛОҚОТ ўтказилади!***

***Мулоқотга Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Адлия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Олий хўжалик суди, шунингдек, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари таклиф этилган.***

***Юзма-юз мулоқотда бевосита қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган ва ўйлантираётган турли саволларга жавоб олишингиз мумкин.***

Очиқ мулоқот 2016 йил 15 апрелда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 15.00 да ўтказилади.

**САВОЛЛАР ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА: (+998 71) 215-60-45, 255-68-50. (+998 95) 194-83-95, 215-63-80.**

Эълон

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР!**

Тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги «Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси:

— ишлаб чиқарган маҳсулотингиз синовини ўтказиш, уларга мувофиқлик сертификатлари бериш;

— ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш;

— Халқаро ISO 9001 сифатни бошқариш тизими ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, уни жорий этиш, ҳужжатларини тайёрлаш бўйича зарур амалий ёрдам беради.

Сиз online режимида фаолият юритадиган chirchiqssm.uz веб-сайти ёки + 998 70 715-35-81 рақамли «Ишонч телефони» орқали боғланиб, корхонангизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш, уларнинг синовини ўтказиш, импорт қилинадиган маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификатини олиш юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар юзасидан марказимиз мутахассисларига мурожаат этишингиз мумкин.

Биз Сизнинг хизматингиздамиз, азиз тадбиркорлар!

**«Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси**

**Манзилимиз:**
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 5а-уй.
**e-mail:** chirchiqssm@rssm.uz

**Тел/факс: +99870 716-58-11.**
*Хизматлар лицензияланган.*

**БИЗ СИЗГА ҲАМКОР ВА МАДАДКОРМИЗ!**

Азиз ишбилармонлар!

Мамлакатимизда тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг бу борада қабул қилаётган Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги «Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси Сиз ишлаб чиқарган маҳсулотингиз синовини ўтказиш, уларга мувофиқлик сертификатлари беришда яқиндан ёрдам беради.

Шунингдек, мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш, Халқаро ISO 9001 сифатни бошқариш тизими, уни жорий этиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш, унинг афзалликлари, берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб боради.

Сиз «Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонасининг 0 436 224-07-51 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилишингиз ёки **www.navoiyssm.uz** веб-сайтимиздан фойдаланиб, соҳа юзасидан ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамиз, азиз тадбиркорлар!

**«Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси.**

**Манзилимиз:**
Навоий шаҳри, «Умид» қўрғони, М. Таробий кўчаси-185.
**e-mail:** navoisert@evo.uz

**Телефонимиз: 0 436 224-07-51, факс: 0 436 224-93-61.**
*Хизматлар лицензияланган.*

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**«АСАКА» БАНК**

**2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»**

*Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



**Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

Мурожаат учун телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сергели филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

*Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади*

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**
**— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
**— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
**— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
**— миқдори чекланмаган!**

**«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.com
Хизматлар лицензияланган

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxi_asr@umail.uz

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: S 5609. Тираж: 12967
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

Навбатчилар:
Б.ҚОБУЛОВ, С.ЗОИРОВ.